

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
“ИҚТИСОДИЁТ В-А МЕНЕЖМЕНТ” ФАКУЛЬТЕТИ  
“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

“Ҳимояга тавсия этилди”  
“Иқтисодиёт”  
кафедраси мудир, профессор  
\_\_\_\_\_ Б.А.Абдукаримов  
Баённома № \_\_ 2012 йил “ \_\_ ” \_\_\_\_\_

“Иқтисодиёт” таълим йўналиши  
Ик-108 гуруҳ талабаси Самеев Санъатнинг

“Самарқанд вилоятида ташқи савдони  
ривожлантириш имкониятлари”

**АВЗУСИДАГИ**

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: Доцент  
Э.Ш.Шавқиев

САМАРҚАНД – 2012 й.

Самарканд иктисодиёт ва сервис институти «Иктисодиёт» таълим йуналиши ИК-108 гуруҳ битирувчиси Самеев Санъатнинг "Самарканд вилоятида ташки савдони ривожлантириш имкониятлари" мавзусидаги битирув малакавий ишига

ТАКРИЗ

Хрзирги мамлакатлар иктисодиёти ривожининг хусусиятли белгиси ташки иктисодий алокаларнинг, аввало, ташки савдонинг тез усиши хисобланади.

Бошка давлатлар сингари Узбекистон Республикаси ҳам ташки савдо ёрдамида узининг давлатлараро ихтисослашувини ривожлантириш, узининг ресурслари унумдорлигини ошириш ва шу оркали ишлаб чиқаришнинг умумий хджмини купайтириши мумкин. Умуман жохон иктисодиёти ривожининг хозирги боскичида миллий хужаликларнинг умумжохон меҳнат таксимотида фаол иштирок этиши уларнинг муваффақиятли фаолияг курсатишининг муҳим шартига айланиб бормокда. Шу сабабли Узбекистон иктисодиётининг жохон хужалигига кушилиши масаласи долзарб булиб колди.

Юкорида келтирилган фикрлардан куришиб турибдики, талаба Самеев Санъатнинг **"Самарканд вилоятида ташки савдони ривожлантириш имкониятлари"** номли битирув малакавий иши мавзуси **хаз поп\* т.-ундз.** долзарб хисобланади.

Ушбу битирув малакавий ишнинг тузилиши кириш, туртта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

Кириш қисмида битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги, мақсад ва вазибалари, мавзунинг урганганлик даражаси, битирув малакавий ишнинг объекти, битирув малакавий иш хажми ва унинг таркиби хақидаги маълумотлар берилган.

Битирув малакавий иш қатор қизмалар ва жадваллар билан бойитилган ҳамда мавзунинг тулик мазмуни очилган.

Шу билан бирга ишда айрим қамчилик ҳам мавжуд. Улар жумласига қуйидагини киритиш мумкин:

- ишда грамматик ва орфографик қатоларга йул қунилган;
- берилган таклифларнинг иктисодий самараси хисобланмаган;

Ушбу қамчиликларга қарамай Самеев Санъатнинг **"Самарканд вилоятида ташки савдони ривожлантириш имкониятлари"** номли битирув малакавий ишини илмий аҳамияти қатта булиб, ишнинг мазмуни ва моҳияти Давлат Аттестация Х^айъати томонидан қуйилган талабларга жавоб беради ва унинг муаллифи Самеев Санъат "Иктисодиёт" йуналиши буйича бакалавр малакасини олиш учун лойик деб ҳисоблайман

Самарканд қишлоқ хужалик институти "Қишлоқ хужалик иктисодиёти ва бошқаруви" кафедраси доценти, иктисод фанларн номзоди

ИЛГанисв

Самарканд иктисодиёт ва сервис институты «Иктисодиёт» таълим йуналиши ИК-108 гуруҳ битирувчиси Самеев Санъатнинг "Самарканд вилоятида ташки савдони ривожлантириш имкониятлари" мавзусидаги битирув малакавий ишига илмий раҳбар и.ф.н., доцент Э.Ш.Шавкиев томонидан берилган

## МУЛОХАЗА

Мамлакатимизда баркарор ва самарали иктисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда узининг натижаларини намоён этмокда. Жумладан, киска вақт ичида иктисодиётда чуқур таркибий узгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг усишини таъминлаш, самарали ташки савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, кишлок хужалигини ислох, қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини баркарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қулга киритилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иктисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормокда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов томонидан ижтимоий-иктисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иктисодий ислохотлар мақсади ва вазибалари, амалга ошириш йулларининг аниқ ва тугри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йулидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бул ишига имкон яратди.

Таъқидлаш керакки, иктисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий узгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир қурсатди.


Юқорида келтирилган фикрлардан қуриниб турибдики, талаба Самеев Санъатнинг **"Самарканд вилоятида ташки савдони ривожлантириш имкониятлари"** номли битирув малакавий иши мавзуси ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

Ушбу битирув малакавий ишнинг тузилиши қириш, туртта боб, ҳулоса ва тақлифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

Битирув малакавий иш қатор қизмалар ва жадрваллар билан бойитилган ҳамда мавзунинг тулик мазмуни очилган.

Талаба Самеев Санъатнинг **"Самарканд вилоятида ташки савдони ривожлантириш имкониятлари"** номли битирув малакавий ишини илмий аҳамияти қатта бўлиб, ишнинг мазмуни ва моҳияти Давлат Аттестация Хайъати томонидан қуйилган талабларга жавоб беради ва унинг муаллифи Самеев Санъат "Иктисодиёт" йуналиши бўйича бақалавр малақасини олиш учун лойиқ деб ҳисоблайман ва ҳимояга тавсия этаман.

Илмий раҳбар, и.ф.н., доцент  
Э.Ш.Шавкиев



## **МУНДАРИЖА:**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>I-БОБ. ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ШАРОИТИДА ТАШҚИ САВДОНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>6</b>
1.1. Ташқи савдо мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг шакли сифатида.....	6
1.2. Ташқи савдонинг иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий асослари.....	15
<b>II-Боб. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТАШҚИ САВДОСИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>24</b>
2.1. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдоси ҳолати таҳлили.....	24
2.2. Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тавсифи.....	32
2.3. Самарқанд вилоятиташқи савдоси ҳолатининг таҳлили.....	40
<b>III-БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ТАШҚИ САВДО ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....</b>	<b>49</b>
3.1. Самарқанд вилоятида ташқи савдони тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш.....	49
3.2. Самарқанд вилоятида ташқи савдо операциялари самарадорлигини ошириш йўллари.....	55
<b>IV-БОБ. Ташқи савдо субъектларида меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари.....</b>	<b>60</b>
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>67</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>72</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳозирги мамлакатлар иқтисодиёти ривожининг хусусиятли белгиси ташқи иқтисодий алоқаларнинг, аввало, ташқи савдонинг тез ўсиши ҳисобланади.

«Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмунни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарк қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади»<sup>1</sup>.

Бошқа давлатлар сингари Ўзбекистон Республикаси ҳам ташқи савдо ёрдамида ўзининг давлатлараро ихтисослашувини ривожлантириш, ўзининг ресурслари унумдорлигини ошириш ва шу орқали ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини кўпайтириши мумкин. Умуман жаҳон иқтисодиёти ривожининг ҳозирги босқичида миллий хўжаликларнинг умумжаҳон меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиши уларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишининг муҳим шартига айланиб бормоқда. Шу сабабли Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалигига қўшилиши масаласи долзарб бўлиб қолди.

Демак, ташқи иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланган ташқи савдо иқтисодиёт тараққиётининг белгиловчи омилларидан бири ҳисобланади ва у бу борада узлуксиз тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда, ташқи савдонинг иқтисодий мазмуни, уни амалга ошириш шартлари ва меъёрий-ҳуқуқий асослари ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган. Шунингдек, ташқи савдонинг мазмун-

---

<sup>1</sup>Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В., Тухлиев Б.К. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида Ўзбекистоннинг самарали иқтисодий сиёсати. Ўқув кўлланма. - Т.: ТДИУ, 6-б.

моҳияти, унинг иқтисодий асосларини ёритишга, ташқи савдонинг ҳолати ва самарадорлиги таҳлилининг такомиллашувига МДХ ва хорижлик олимлардан Т.В.Кобушко, П.Х.Линдерт, О.М.Миримская, В.Н.Огородник, Д.Рикардо, А.Смит, А.Б.Терехов ва бошқа олимлар катта ҳисса қўшганлар. Мустақиллик йиллари давомида мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам шу соҳада кўплаб изланишлар олиб борилди ва уларнинг натижалари чоп қилинди. Бу борада, А.Алимов, Ю.Додобоев, И.Иватов, В.А.Чжен, М.Саидкаримова, А.С.Юсупов ва бошқа олимларнинг изланишлари, айниқса диққатга сазовордир.

Бироқ, иқтисодий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, чоп қилинган илмий ишларда, асосий эътибор ташқи савдони ташкил этишнинг иқтисодий асослари, ташқи савдонинг ҳолатини таҳлил қилиш йўлларига қаратилган бўлиб, жаҳон-молиявий инқирози шароитида ташқи савдони ташкил қилишнинг хусусиятлари, муайян ҳудудда уни самарадорлигини ошириш масалаларига етарли даражада эътибор берилмаган. Шуларни инобатга олган ҳолда битирув малакавий иш учун ушбу мавзу танланди.

**Битирув малакавий ишнинг мақсади** иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида Самарқанд вилояти ташқи савдо имкониятларини тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Битирув малакавий ишнинг вазифалари.** Битирув малакавий ишнинг мақсадига эришиш учун унинг олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ташқи савдонинг моҳиятини тадқиқ қилиш ва унинг аҳамиятини баҳолаш;
- ташқи савдони ташкил қилишнинг иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий асосларини тадқиқ қилиш;
- глобал инқироз шароитида ташқи савдони ташкил қилишнинг хусусиятларини очиқ бериш;
- Самарқанд вилояти ташқи савдосининг ҳолатига баҳо бериш;

- Самарқанд вилоятида ташқи савдо имкониятларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлигини тадқиқ этиш;

- Самарқанд вилоятида ташқи савдони тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- Самарқанд вилоятида ташқи савдо операциялари самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** бўлиб Самарқанд вилоятининг ташқи иқтисодий фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** – иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш босқичидаги ташқи савдо имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

# I-БОБ. ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ШАРОИТИДА ТАШҚИ САВДОНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1.Ташқи савдо мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг шакли сифатида

Меҳнат тақсимооти чуқурлашган сари мамлакатлар ўртасидаги боғлиқлик чуқурлашиб боради. Бу ўз навбатида ташқи иқтисодий фаолият турларининг кўпайишига ва улар кўламининг кенгайишига олиб келади. Бундай шароитда ташқи иқтисодий фаолият мамлакат иқтисодий ривожини таъминлашнинг муҳим шартига айланади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг жаҳон хўжалик алоқаларига бирлашиш йўлларини белгилаш, шунингдек, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва республика интеграцияси йўналишларининг жаҳон хўжалик алоқаларида мустаҳкамланиши асосий ўрин эгаллайди.

Очиқ турдаги иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида ривожланган ташқи иқтисодий алоқалар тизимида бўлган ҳар бир давлатнинг халқаро меҳнат тақсимоотида ўз ўрнига, дунё хўжалик тизимида ўз «жавонига» эга бўлиши муҳимдир.

Ҳатто катта ҳудудга, кўп миллионли аҳолига, хилма-хил ресурсларга эга бўлган мамлакатнинг бугунги кунда бошқа мамлакатлар билан доимий ва кенг иқтисодий алоқаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан мустасно эмас. 1991 йил 1 августда давлат ўз суверенлигига эга бўлган пайтдан бошлаб, ўзи танлаган ташқи иқтисодий сиёсатини мустақил халқаро ҳуқуқий субъект сифатида олиб бормоқда. Бу сиёсатнинг асосий мақсади – Ўзбекистоннинг ҳақиқий очиқ иқтисодиётини ва жаҳон иқтисодиёти тизими, унинг интеграциясини изчил руёбга чиқаришдир.

Мамлакат ташқи иқтисодий муносабатлари бир нечта таркибий қисмлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз объектларидан келиб чиқиб турли хусусиятларга эга:

- ташқи савдо;
- капитал ва хорижий инвестициялар ҳаракати;
- халқаро меҳнат миграцияси;
- бошқа мамлакатлар билан илмий-техник ҳамкорлик;
- халқаро валюта-кредит ва молия муносабатлари;
- ишлаб чиқаришнинг давлатлараро кооперацияси.

Халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва мамлакатлар ихтисослашувининг кучайиши натижаси ўлароқ ташқи иқтисодий фаолият юзага келган. Ташқи иқтисодий фаолият эволюцион тараққиёт давомида оддийликдан мураккаблашиб, шакллари кенгайиб борган. Давлатчилик шаклланишининг дастлабки даврларида давлатлар ўртасида маҳсулот ва хизматлар, ишчи кучи айирбошлашнинг содда шакллари амал қилган бўлса, ҳозирги даврда бу жараён мураккаблашиб, капитал ҳаракати, кўшма корхоналар тузиш, янги техника ва технологиялар савдоси ҳамда валюта-кредит муносабатларини ҳам ўз ичига олади.

Ташқи савдонинг моҳиятига тўхталишдан олдин, ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа шаклларини вужудга келиш сабабларига қисқача тўхталиб ўтсак.

Иқтисодиётнинг очиқлиги **капиталнинг мамлакатлараро кўчиб туришини** ҳам билдиради. Бир ерда капитал кўп бўлиб, у ташқарига чиқарилса, бошқа ерда у кам бўлганлиги учун ташқаридан киритилади. Капиталнинг ташқарига чиқарилиши ундан мамлакат ичкарасидагига нисбатан ташқарида кўпроқ фойда бериши учун юз беради. Капитални киритишдан мақсад унинг иштирокида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ҳисобланади. Капитални киритиш ва чиқариш турли йўللار билан амалга оширилади:

- хусусий ёки давлат капитали шаклида. Капиталнинг халқаро ташкилотлар йўли билан ҳаракати кўпинча мустақил шакл сифатида ажратилади;

- пул ва товар шаклида. Жумладан, капитал чиқариш машина ва ускуналар, потентлар, нау-хау ҳамда товар кредитлари шаклида бўлиши мумкин;

- қисқа ва узоқ муддатли кредитлар шаклида;

- ссуда ва тадбиркорлик капитали шаклида.

Ссуда шаклидаги капитал қўйилмалар бўйича фоиз, тадбиркорлик шаклидаги капитал эса фойда келтиради.

Иш кучининг дунё миқёсида бир ердан бошқа ерга кўчиб юриши **халқаро меҳнат миграцияси** дейилади. Миграция халқаро меҳнат бозори орқали юз беради. XXI асрга келиб дунёда 4 та меҳнат бозори шаклланган бўлиб, булар Шимолий Америка, Европа, Лотин Америкаси ва Яқин Шарқ бозорларидир. Меҳнат бозорининг товарлар бозоридан асосий фарқи шундаки, бу ерда меҳнатнинг ягона жаҳон нархи шаклланмайди. Халқаро меҳнат миграцияси икки хил бўлади:

**1.Қонуний миграция.** Бу миграция мавжуд қонунларга биноан, тузилган шартномалар асосида иш кучининг бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтишидир. Масалан, Ўзбекистон билан Жанубий Корея Республикаси ўртасида шундай шартнома мавжуд.

**2.Ноқонуний миграция.** Бунда ишлашга қодир ва иштиёқи бор кишилар миграцияси ноқонуний тарзда, яширин ташкилотчилар ёрдамида амалга оширилади.

**Бошқа мамлакатлар билан илмий-техник ҳамкорлик** бир қатор шаклларда амалга оширилади. У илмий-техникавий ахборотлар, мутахассислар, фан соҳаси ходимлари билан айрибошлашни, тадқиқот ва янгиликларни лицензия асосида беришни, илмий-тадқиқот ишлари ўтказишни, умумий фан-техника ва технологияни ишлаб чиқариш бўйича қўшимча тадбиркорликни ўз ичига олади.

Очиқ иқтисодиёт халқаро валюта-кредит ва молия муносабатларини вужудга келтиради, чунки буни товарлар ва ресурсларнинг халқаро ҳаракати талаб қилади.

**Ишлаб чиқаришнинг давлатлараро кооперацияси** қўшма корхоналар шаклида ташкил этилади. Республикамизда бозор ислоҳатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришда хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Ушбу долзарб масалаларни ҳал қилиш, шунингдек ишлаб чиқаришни модернизация ва техник қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, рақобатбардошликни таъмин этиш, янги иш жойларини яратиш мақсадида мамлакатимизда хорижий инвесторлар маблағларини кенг жалб қилиш асосида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни очиш ва тараққий эттиришга катта эътибор берилмоқда.

Давлатлар ташқи иқтисодий фаолиятининг илк пайдо бўлган ва энг ривожланган шакли ташқи савдо ҳисобланиб, дунё миқёсидаги ташқи иқтисодий муносабатларнинг учдан икки қисми ташқи савдога тўғри келади.

Мамлакатлар олиб бораётган ташқи иқтисодий фаолиятнинг айнан қайси элементлари ташқи савдога тааллуқли эканлигини аниқлаш муаммоси ташқи савдо ва у билан боғлиқ бўлган иқтисодий атамаларнинг моҳияти, мазмунини тўлароқ очиқ беришни тоқозо қилади. Қуйида ушбу масалага тўхталиб ўтсак.

Ташқи савдо мамлакатлар ўртасидаги савдо бўлиб товарларни ва хизматларни четга чиқариш (экспорт қилиш) ва олиб келиш (импорт қилиш)дан иборат бўлади.

Ташқи савдонинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Улар бизнингча, қуйидагилардан иборат:

1.Иқтисодий ресурсларнинг ҳаракатчанлиги мамлакатлар ўртасида, мамлакат ичидагига қараганда анча паст бўлади. Масалан, ишчилар мамлакат ичида вилоятдан вилоятга, ҳудуддан ҳудудга эркин ўтиши мумкин. Солиқ қонунчилигидаги, давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа

тадбирларидаги фарқлар ва бошқа катор муассасавий тўсиқлар реал капиталнинг миллий чегара орқали миграциясини чеклайди.

2. Ҳар бир мамлакат ҳар хил валютадан фойдаланади. Бу мамлакатлар ўртасида халқаро савдони амалга оширишда муайян қийинчиликлар туғдиради.

3. Ташқи савдо сиёсий аралашув ва назоратга маҳкум бўлиб, бу ички савдога нисбатан қўлланиладиган тадбирлардан характери ва даражаси бўйича сезиларли фарқланади.

Давлат ўртасидаги иқтисодий алоқалар жуда кўп асрлик тарихга эга бўлиб мамлакатларнинг бир неча юз йилликлар давомида ўзларида ишлаб чиқариш қийин бўлган ёки умуман ишлаб чиқарилмаган товарларга бўлган аҳоли эҳтиёжларини ташқи савдо орқали қондириб келишган.

Эволюцион тараққиёт натижасида ташқи савдо алоқалари давлатлар ўртасидаги мураккаб савдо-иқтисодий муносабатлар тизимини ташкил этди. Замонавий савдо иқтисодий муносабатларининг тизими мамлакатларнинг корхона ва ташкилотлар даражасида тижорат операциялари орқали ўзаро имкониятларни айрбошлаш тизимини вужудга келтирди.

Бугунги кунда ривожланган бозор хўжалиги элементи сифатида ташқи савдо қуйдагилар билан характерланади (тавсифланади).

- халқаро меҳнат тақсимооти ва савдони белгиловчи алоҳида мамлакатлар ишлаб чиқаришни ва истеъмолнинг ўзаро боғлиқлиги;

- жаҳон товар бозорлари шаклланишига асос солувчи мамлакатлараро товарлар ҳаракатининг кучлиги;

- товар айирбошлашнинг талаб ва таклиф қонуни асосида амалга оширилиши эркин нарх сиёсатининг вужудга келиши ва такомиллашуви;

- йирик пул оқими, ягона ҳисоб-китоблар тизими ва товар кредитининг вужудга келиши ва ривожланиши;

- жаҳон бозорида товарларнинг сотувчилар ва харидорлар ўртасида юқори даражали рақобатнинг мавжудлиги;

- корхоналар ва ташкилотларнинг миллий хўжаликдан чиқиб жаҳон хўжалигига интеграциялашуви;

- халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга бўлган махсус институтлар инфраструктурасининг вужудга келиши;

- минтақа, давлат ва халқаро миқёсида савдо иқтисодий ва божхона битимлари ва уюшмаларининг мавжудлиги ҳамда улар фаолиятини тартибга солиб турилиши;

- айрим товар турлари ва гуруҳлари бўйича савдонинг йирик давлатлар гуруҳлари ва алоҳида тадбиркорлик тузилмалари томонидан монопол тарзда бошқарилиши;

- мамлакатлар иқтисодиётини бир-бири билан боғланиши ва уларнинг натижасида ўзаро манфаатли алоқаларининг ривожланиши;

- мамлакатлар ички муаммоларини бошқариш «қўли» билан ҳал эта олиш имконияти;

- ташқи савдо натижаларини мамлакат иқтисодиётига унинг ривожланиш даражасига таъсири;

Бундан ташқари ташқи савдо фаолиятидаги бозор муносабатлари сотувчи ва харидорларга эркин танлов ҳуқуқини беради.


Ташқи савдо алоқалари ўзига хос операциялар (ташқи савдо операциялари) орқали амалга оширилади. Мамлакат ва ундаги субъектларни ташқи савдо фаолиятини қуйидаги чизмадаги тарзда ифода этиши мумкин (1-чизма).

1-чизмадан кўриниб турганидек, ташқи савдо фаолияти субъектлари ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳам ташқи ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар) ҳам ташқи истеъмолчилар (харидорлар) билан ўзаро муносабатда бўлишади.

Ташқи савдо фаолият субъектлари асосан икки турдаги операцияларни амалга оширишади.

1. Экспорт операциялари;
2. Импорт операциялари.

Экспорт инглизча сўздан олинган бўлиб чет эллик харидорга сотилган ёки ташқи бозорда сотишга мўлжалланган товарларни мамлакат чегарасидан олиб чиқишни билдиради.



### 1 чизма. Ташқи савдо фаолияти иштирокчиларининг жаҳон бозоридаги ўзаро алоқалари

Товарлар экспорти деганда миллий ёки миллийлаштирилган товарларни сўнгги истеъмол мақсадида мамлакатнинг иқтисодий чегарасидан ташқарига олиб чиқиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасида кўрсатилганидек «Ташқи иқтисодий фаолият» объектлари, яъни ҳамма турдаги ресурслар, халқ кутилган товарлар ҳамда кўрсатилган хизматлар қимматли қоғозлар, фан-техника маҳсулотлари, интеллектуал ва бошқа бойликлар Ўзбекистон Республикасида экспорт объектлари бўлиши мумкин. Мулкчилик шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқаларнинг иштирокчилари сифатида рўйхатга олиниб товарлар ва хизматларни экспорт қилишга лицензияга эга бўлган барча жисмоний ва ҳуқуқий шахслар экспорт операциялари субъектлари бўлиши мумкин.

Импорт – инглизча сўздан олинган бўлиб товарларни мамлакат чегарасидан олиб кириш деган маънони англатади.

Импорт операциялари деганда чет элда ишлаб чиқилган товарларни қайта сотиш мақсадида мамлакат иқтисодий чегарасига олиб кириш билан боғлиқ тижорат фаолияти тушунилади. Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тақиқлаган чет элда ишлаб чиқарилган барча товарлар импорт операциялари объекти ва Республикага товар олиб кириш ҳуқуқига эга бўлган барча жисмоний ва ҳуқуқий шахслар импорт операциялари субъектлари бўлишлари мумкин.

Иқтисодий адабиётларда экспорт-импорт операциялари турлари сифатида реэкспорт ва реимпорт операциялари ҳам фарқланади.

Реэкспорт операциялари деганда илгари импорт қилинган товарларни ҳеч қандай ишлов бермасдан қайта экспорт қилиш тушунилса, реимпорт деганда илгари экспорт қилинган товарларни ҳеч қандай қайта ишловсиз импорт қилиш билан боғлиқ тижорат фаолияти тушунилади. Ушбу операцияларнинг каттагина қисми мамлакатларнинг божхона ҳудудидан ташқари бўлган эркин иқтисодий зоналар (ҳудудлар)да йирик фирмалар томонидан шахслар ўртасидаги фарқдан фойда олиш мақсадида амалга оширилади.

Реимпорт операциялари ташқи савдо субъектларига фойда келтирмайди. Бундай операциялар одатда аукцион ва биржаларда сотиш учун олиб чиқилиб сотилмай қолган ва харидор товарни сифатсиз деб топган ҳоллардагина амалга оширилиши мумкин.

Ташқи савдо операциялари ичида таъминловчи – қўшимча (ёрдамчи) операциялар ҳам мавжуд бўлиб бундай операцияларни экспортёр ва импортёр билан бир қаторда бошқа ташқи савдо ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ташқи савдо обороти ташкил этилгандаги қўшимча (ёрдамчи) операциялар қуйидагилар:

- халқаро ҳисоб-китоб бўйича операциялар;

- халқаро юк ташиш бўйича операциялар;
- транспорт – экспедиторлик операциялари;
- халқаро юк ташишда товарларни сақлаш бўйича операциялар;
- юкни суғурталаш бўйича операциялар.

Ташқи савдо объекти ҳисобланган товарнинг характериға кўра ҳам халқаро тижорат операциялари бир биридан фарқланади.

Моддий ашёвий шаклга эга маҳсулотларни айирбошлаш билан боғлиқ халқаро тижорат операциялари қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- ташқи бозорнинг маркетинг тадқиқотлари;
- чет эллик ҳамкорларни топиш, танлаш ва улар билан алоқа ўрнатиш;
- рақобатдош товарлар бўйича бозор ҳолатини ўрганиш ва товарға нарх белгилаш;
- шартнома лойиҳаси, товарларни етказиб бериш ва тўлов шартларини ишлаб чиқиш;
- шартнома лойиҳаси бўйича мулоқотлар олиб бориб битим тузиш ва шартномани имзолаш;
- шартнома мажбуриятлари бажариш;
- шартнома мажбуриятлари бўйича назоратни олиб бориш.

Ташқи савдо операциялари замирида икки ёқлама манфаат ётади ва бу ўз навбатида ушбу операцияларни кенгайиб боришини тақозо этади. Ташқи савдонинг ривожланиб бориши кўп жиҳатдан мамлакатнинг танлаган ташқи сиёсатиға боғлиқ бўлади.

## 1.2. Ташқи савдонинг иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий асослари

Халқаро иқтисодий интеграция-бу мамлакатларнинг чуқур, барқарор ўзаро алоқаларининг ривожланиши ва миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида улар хўжалик-сиёсий алоқаларининг бирлашиш жараёнларидир.

Халқаро иқтисодий интеграция жаҳон хўжалиги ривожининг тарихий жиҳатдан узоқ давр давом этган натижаси ҳисобланса-да, Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, ҳозирги кунда ҳам мамлакатларнинг Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнида ҳал этилмаган кўпдан-кўп муаммолар мавжудки, бизнинг Республикамиз учун бу ташқи иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат<sup>1</sup>.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг **асосий шакллари** қуйидагилар:

- эркин савдо зоналари. Бу иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли бўлиб, унинг доирасида қатнашувчи мамлакатлар ўртасидаги савдо чеклашлари бекор қилинади. Бунга Европа эркин савдо уюшмаси ва МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро битим мисол бўла олади;

- бож иттифоқи. Иқтисодий интеграциянинг бу шакли эркин савдо зоналарининг фаолият қилиши билан бирга ягона ташқи савдо таърифлари ўрнатишни ва учинчи мамлакатга нисбатан ягона ташқи савдо сиёсати юритишни тақозо қилади. Европа Иттифоқи (ЕИ) бож иттифоқиға ёркин мисолдир;

- тўлов иттифоқи. Бу миллий валюталарнинг ўзаро эркин алмашувини ва ҳисоб-китобда ягона пул бирлигининг амал қилишини таъминлайди. Европа ҳамжамияти, жанубий-Шарқий Осиё ва МДҲ мамлакатлари учун тўлов иттифоқи пировард мақсаддир;

- умумий бозор. Бу иқтисодий интеграциянинг анча мураккаб шакли бўлиб, унинг қатнашчиларига эркин ўзаро савдо ва ягона ташқи савдо

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2000 йил 2 феврал.

таърифи билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати ҳамда ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат таъминланади. Бунга Европа иқтисодий иттифоқи ёки Европа умумий бозорини мисол қилиб келтириш мумкин. Унинг доирасида барча бож тўловлари ва импорт меъёр (квота)лари бекор қилинади, бошқа мамлакатлардан Европа бозорига товарлар кириши бир хил тартибга солинади, пул маблағлари ва ишчи кучининг чегарадан эркин ўтиши таъминланади ҳамда умумий муаммоларни ҳал этишда ягона сиёсат ўтказилади;

- иқтисодий ва валюта иттифоқи давлатлараро иқтисодий интеграциянинг энг олий шакли ҳисобланади. Бунда иқтисодий интеграциянинг барча қараб чиқилган шакллари умумий иқтисодий ва валюта-молиявий сиёсат ўтказиш билан бирга уйғунлашади.

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнини объектив характердаги **бир қатор омиллар тақозо қиладики**, уларнинг ичидан қуйидагилар асосий ўринни эгаллайди:

- хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви;
- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
- умум жаҳон фан-техника революцияси;
- миллий иқтисодиёт очиклигининг кучайиши.

Иқтисодий ривожланишнинг миллий андозасидан жаҳон андозасига ўтиш ва халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиши мамлакатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда қатнашиши миллий иқтисодиёт манфаатларга қандай даражада жавоб беради? –деган саволни қўяди. Бу саволга жавоб топишга иқтисод фани илгаридан қизиқиб келган (2-чизма).

Жумладан, А.Смит халқаро меҳнат тақсимоти масаласини таҳлил қилиб, қандай товарларни экспорт қилиш ва қайсиларини импорт қилиш қулайлиги тўғрисидаги ўз қарашларини баён қилиш асосида «мутлоқ устунлик» назариясини илгари сурган. Д.Рикардо ўзаро фойдали савдо ва халқаро ихтисослашувнинг анча умумий принципларини шакллантириб, «қиёсий устунлик» назариясини ишлаб чиққан.



**2-чизма.** Ташқи савдони ташкил этишнинг иқтисодий асосларига қаратилган назариялар.

У нафақат миллий хўжаликлар ўртасидаги, балки миллий хўжалик ичидаги минтақалар, корхоналар ўртасидаги ҳар қандай меҳнат тақсимотининг устунликларини асослаб беради.

Мамлакатлар ўртасида халқаро савдо муносабатлари ўрнатилганда айрибошлаш қандай нисбатлар асосида рўй беради деган савол туғилади. Рикардонинг халқаро ихтисослашув устунликлари ҳақидаги хулосалари, бу муаммони чуқурроқ тадқиқ қилиш учун бошланғич нуқта бўлади. Жумладан, Дж. Милль ишлаб чиқариш харажатларининг турли нисбатлари ўртасида ўрнатиладиган алмашув мутаносиблиги товарнинг ҳар бирига жаҳон таклифи ва талаби ҳажмига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Иқтисодий назарияда халқаро ихтисослашувнинг устунликларини асослаш Рикардонинг классик схемаси билан чекланмаган. XX асрда халқаро ихтисослашувнинг қонуниятларини кўплаб иқтисодчилар: жумладан, С. Хекшер, Б. Олин, Дж. Кейнос, В. Леонтев ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинди. Халқаро ихтисослашувнинг қонуниятларини янада чуқурроқ тушуниш қиёсий харажатлар таҳлили асосида кўп омилли андоза тузишга олиб келдики, унда товарлар ҳаракати билан бирга ишлаб чиқариш омилларининг давлатлараро эркин ҳаракати имкониятлари ҳисобга олинди. Ўтказилган тадқиқотларда нафақат тармоқлараро, балки тармоқлар ичида ва минтақа ўртасидаги ихтисослашувнинг қонуниятлари, мамлакатнинг материал, капитал, меҳнат ва фан сифимили товарларга ихтисослашув сабаблари очиқ берилди. Ихтисослашувга фан ва техника тараққиёти ҳамда технологик ўзгаришлар суръати ва характери таъсирининг хусусиятлари аниқланади.

Ҳар бир давлатнинг халқаро ҳамкорликда ва жаҳон меҳнат тақсимотида иштирок этиши унинг табиий-иқтисодий, транспорт, географик ва маданий-тарихий меросига хос бўлган имкониятларидан келиб чиқади.

Ўзбекистон улкан табиий ресурслар потенциалига эга бўлиб, биринчи навбатда, минерал хом ашё ресурсларига, иқтисодий ишлаб чиқариш ва аҳоли потенциалига, геопотологик ёндашиш жиҳатидан фақат Евроосиё қитъаси эмас, ҳозирги кунда тикланаётган Буюк Ипак йўлида ҳам муҳим стратегик ўрин эгаллайди.

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш ролини ҳам айнан шу позициялардан кўриб чиқиш зарур. Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш умумий ҳажми бўйича дунёда саккизинчи ва унинг аҳоли жон бошига тақсимланиши бўйича бешинчи ўринни эгаллайди; республикада 30 та олтин қазилмалари топилган бўлиб, ҳозирча улардан фақат ўнтаси ишга туширилган. Ўзбекистон олтинининг сифати жаҳон олий стандартларига тўлиқ жавоб беради.

Мурунговдаги (Навоий вилояти) олтини бор қазилмаларни (олинаётган миқдори ва сифати жиҳатидан) жаҳоннинг энг катта олтин конлари Клондаик (АҚШ), Витватерранд (ЮАР), Колар (Хиндистон) билан бир қаторга қўйиш мумкин. Юқори пробали қимматбаҳо металл бу ерда чорак асрдан бери қазиб олинмоқда. Уни қазиш олиш арзон очик йўл билан бораяпти. Шундай қилиб, давлат суверентети шароитида республика ўз олтинига ўзи хўжайин, жаҳон олтин бозорида тенг ҳуқуқли ҳамкор бўлиши мумкин. Лекин охириги пайтда жаҳон бозорининг олтин билан ўта туйинтирилиши тенденциялари руёбга чиқиши муносабати билан қимматбаҳо металлнинг сифатига талаб анча-мунча юқорироқ бўлди.

Масалан, 1991 йилда Жаҳон банкининг кўрсаткичларига кўра, бу фарк 220-320 тоннага етди. Бундай шароитларда олтинга бўлган нарх-навони барқарор равишда ушлаб туриш мушкул бўлиб қолди. Чунки собиқ иттифок парчаланиб, унинг ўрнида янги мустақил давлатлар ташкил топиши Фарб мамлакатларини ва Японияни жуда безовта қилиб қўйди. Бинобарин, улар дунёда энг катта олтин импортёри ва истеъмолчиси эдилар. Шунинг учун жаҳон бозорида Ўзбекистон олтинини сотишда ғоят омилкорлик зарур.

Ўзбекистонда 370 та кон ишлаб турибди. Улардан ҳар йили 200 млн. тонна турли минерал хом ашёлар қазиб олинади, йилига 80 минг тонна мис ишлаб чиқараётган Ўзбекистон улкан заҳираларга бой, бу ҳудудда яна кўплаб кўрғошин, рух, вольфрам, литий ва бошқа муҳим ва ноёб металлларнинг катта-катта конлари мавжуд.

Республика ривожланган қудратли ёқилғи-энергетика базасига эга. Табиий газ топилмалари тахминан 2 триллион куб, кўмир 2 млрд. тоннадан ортиқ, нефть 350 млн. тоннани ташкил қилади. Охириги икки йилда очилган янги нефть ва газ конлари нафақат ички эҳтиёжларни қондиришга, балки энергия берувчиларнинг экспорти ҳақида ҳам гап юритишга йўл беради.

Ўзбекистон нефть конларидаги қора олтинни қайта тайёрлаш тўғрисида «Эльфакитен» француз компанияси билан битим тузилган.

Ўзбекистон Марказий Осиё ва МДХда пахта етиштирувчи асосий республика, бу борада жаҳонда туртинчи ўриндадир. Бу ерда жаҳон ва МДХ давлатлари билан асосий ҳамкорлик йўналишларидан - Республикада пахтани чуқурроқ қайта ишлаб, ташқи бозорга яқунланган қимматбаҳо маҳсулот сифатида чиқариш мўлжалланган.

Республикада ҳар йили 1 млн. тоннадан зиёд пахта толаси тайёрланади. Ишлаб чиқариш ҳажмига кўра, Ўзбекистон жаҳон пахта бозорида тенг ҳуқуқли ҳамкор бўлиши мумкин, лекин бизнинг пахтамик сифати чет элники олдида анча паст. Унинг сифатини яхшилаш учун анча-мунча ишлар олиб бориш ва фурсат даркор. Худди шундай вазиятни қорақўл терилари ва ипак хом ашёси етиштириш жараёнида ҳам кузатиш мумкин.

Мева ва сабзавотлар етиштиришда собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон Республикаси асосий таъминловчи бўлиб, Иттифоққа ҳар йили ялпи мева-сабзавотнинг 60 %ини етказиб берарди. Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда йилига 5 млн. тоннагача мева ва сабзавот етиштирилади, кўплари ноёб тамга эга. Ўзбекистон бу тармоқ бўйича ҳамкорликка тайёр. Республиканинг бу тармоққа бўлган асосий эътибори маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш, жўнатиш; қадоқлаш корхоналарини барпо этишга қаратилган.

Ўзбекистон ўзида ва хорижда туризм саноати ривожлантирилиши учун ҳам кўпгина имкониятларга эга. Унинг ҳудудида дунё миқёсида танилган тарихий ва архитектура марказлари - Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлар жойлашган, 4000 дан ортиқ архитектура - маҳобатли обидалар бор, уларнинг кўплари ЮНЕСКО ҳимоясидадир.

Ўзбекистоннинг потенциал имкониятлари кафолатли бўлиб, бир томондан бозор иқтисодини ислоҳотлаштириш, бошқа томондан эса, собиқ иттифоқ ўрнида шаклланган янги иқтисодий макон интеграцияси, тенг ҳуқуқли ва ҳамкорлик билан халқора меҳнат тақсимоотида ва жаҳон хўжалик алоқаларида баб-баравар иштирок этиш ҳисобланади.

Ўзбекистон давлат суверенитети ва мустақилликка 1991 йилнинг августида эришиб, мустақил равишда халқаро бозорга чиқиш йўли жуда

идеал бўлмаса ҳам, лекин ривожланиш учун кўплаб заҳираларга эга эди. Республика ташқи иқтисодий алоқалари интенсификациясининг келиб чиқиш шарт-шароитлари қуйидагилардир:

- ер бойликлари, минерал хом ашё ва ўсимликлар ресурслари, шунингдек, ажойиб тупроқ-иқлим шароитлари, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда унинг маҳсулотларини қайта тайёрлайдиган саноат ишлаб чиқариш мажмуи базасини яратиш учун ҳаддан зиёд имкониятларнинг мавжудлиги;

- миллий халқ хўжалиги мажмуи инфратузилмасининг юзага келиши, республикани жаҳон хўжалиги алоқаларига кенг миқёсда жалб эта оладиган йирик илмий потенциалнинг жамулжамлиги;

- экспорт потенциалининг юқори даражада эканлиги;

- тегишли кооперация ва ҳамкорликдаги сармоялар ёрдамида рақобатга бардошли маҳсулотларни юқори даражада тайёрлай оладиган ишлаб чиқаришни қисқа вақт ичида яратиш потенциалининг мавжудлиги;

- нисбатан олганда (жаҳон миқёсида баҳолаганда) арзон ишчи кучига эга бўлиши мумкинлиги;

- хорижий капитал сармояси ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик ўрнатиш учун республикада барқарор сиёсий муҳитнинг яратилганлиги.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларига алоқадор қонунлар ва меъёрий ҳуқуқий актларга ҳар томонлама асосланган тизим вужудга келтирилди. Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо муносабатларидаги ҳуқуқий база халқаро ҳуқуқлар ҳамда меъёрлар даражасида асослаб берилди. Чунончи, Республика Президентининг “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида”ги фармонида кўра, кенг истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи кўшма корхоналар хорижий валюта тошириш ва уни Марказий банкка

мажбурий сотиш бўйича беш йил муддат давомида солиқ тўлашдан озод қилинди.

Ўзбекистон Президентининг 1996 йил май ойида қабул қилинган «Чет эл инвестициялари асосида ташкил этилган корхоналар фаолиятини рағбатлантириш хусусидаги қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисидаги фармонида амалиёт учун энг зарур бўлган кўпгина қоидалар кўрсатилди.

Бунга кўра, экспорт маҳсулотининг ҳажми 30%дан ошган корхоналар белгиланган нормалардан икки барабар кам миқдордаги ставкалар бўйича солиқ тўлаш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга республикада хорижий сармояларни жалб этиш учун имтиёзларнинг кенг тизими вужудга келтирилган, хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солиқ жорий этилган.

“Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни риворжлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга биноан халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарни рўйхатга олинган пайтидан бошлаб беш йил муддатга хорижий валютадаги тушумдан солиқ тўлашдан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига валютани мажбурий сотишдан озод қилиш кўзда тутилган.

“Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонга кўра, корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот таркибида экспортга ишлаб чиқариш бўлса, имтиёзларга эга.

Амалдаги имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари тизими қуйидагилардир:

– ишлаб чиқариш ҳажмида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти камида 30%ни ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклларида қатъий назар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки барабар кам тўлаш ҳуқуқини бериш;

– Республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этиш;

–Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз бемалол четга олиб кетиш;

–Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналарнинг ва фақат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг Устав фондига ҳисса қўшиш учун мол-мулкни четдан бож солиғисиз олиб кириш;

–Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини танлов асосида сотиб олиш.

Хорижий сармоялар тўғрисидаги қонунга мувофиқ чет эллик шериклар учун уларнинг мол-мулкни давлат ихтиёрига олиш ва мусодара қилишдан озод этиш учун кафолатлар белгилаб қўйилган. Уларнинг ўз фаолияти натижасида олган фойдаси ва бошқа пулларни чет элга ўтказишга, олинган фойдани республика ҳудудида сармоя тарзида қайта ишлатиш, республика банкларида ҳисоб рақамига ва унда чекланмаган миқдорда ҳар қандай валюта маблағига эга бўлиш кафолатланади.

Хорижий сармоядорларга нисбатан инвестициялар амалга оширилган пайтда амалда бўлган қонун меъёрлари (нормалари) 10 йил мобайнида қўлланиши кўзда тутилган қонун ҳужжатлари ўзгартирилмаслигига кафолат мавжуд. Шундай қилиб, вужудга келтирилган ҳуқуқий нормалар (меъёрлар) хорижий шерикларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай имкониятлар яратиб, уларнинг ҳуқуқлари ва сарфлаган сармоясини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида Германия, Туркия, Миср, Индонезия, Малайзия, Покистон, Финляндия, Корея, АҚШ, Франция билан битимлар имзолади, бошқа бир қанча мамлакатлар билан ҳам шундай битимлар тузиш давом эттирилмоқда.

## **II-Боб. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТАШҚИ САВДОСИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдоси ҳолати таҳлили.**

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намойиш этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодийда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўллари аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодийларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Глобаллашувни иқтисодий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, у жаҳон хўжалигининг бутун маконини камраб олувчи иқтисодий муносабатлар тизимининг ташкил топиши ва ривожланишини англатади.

Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Жумладан, глобаллашув натижасида трансмиллий корпорациялар, уларнинг турли кўринишдаги халқаро бирлашмалари фаолиятининг таркиб топиши ва кенгайиши, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражага ўтиши, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада кучайиши рўй беради.


Умуман олганда, глобаллашув жараёнлари жаҳон хўжалигининг яхлит иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сифат босқичи ҳисобланиб, янги имкониятларни очиб беради.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

2011йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди (2.1.1-расм).

Ташқи савдо айланмаси таркибидаги бундай ижобий ўзгаришлар мустақиллик йилларида мазкур соҳага қаратилган эътибор, хусусан экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўллаб-қувватлашга йўналтирилган иқтисодий сиёсат натижалари ҳисобланади. “Ўзбекистон мустақилликкача бўлган даврдаги четга хомашё чиқарадиган ва тайёр маҳсулотлар, асосан истеъмол товарларини олиб кирадиган мамлакатдан бугунги кунда тобора кўшилган қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулотларни экспорт қиладиган ва кўпроқ ишлаб чиқаришни техник ҳамда

технологик модернизация қилиш учун мўлжалланган юқори технологиялар асосидаги ускуналарни импорт қиладиган мамлакатга айланиб бормоқда.



**2.1.1-расм. Ўзбекистонда ташқи савдонинг динамикаси, миллиард АҚШ долл. ҳисобида.**

Экспортнинг товар таркибини диверсификация қилиш натижасида мамлакатимиз пахта яккаҳоқимлиги оқибати бўлган пахта толаси экспортига қарамликдан халос бўлди. Унинг экспортдаги улуши камайиб, 1990 йилдаги 59,7 фоиздан 2010 йилда 11,3 фоизга тушди<sup>2</sup>. 2011 йилда экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди.


Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлик таъминланишида ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, хусусан, мамлакатимиз экспорт ҳажмини янада ошириш ва таркибини яхшилаш муҳим омил бўлди.

Республикаимизнинг ташқи савдо айланмаси 1990-2011 йиллар давомида 31,7 марта, жумладан, экспорт - 33,9 марта, импорт - қарийб 29 марта ошди.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 59-61-б.

Натижада ташқи савдонинг ижобий сальдоси 56,6 марта ортди. Биргина “2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди”<sup>3</sup>.

Ташқи савдо балансида муттасил ижобий сальдога эришиш мамлакатимиз олтин-валюта захираларининг ортишига ва миллий валютаимиз барқарорлигининг таъминланишига олиб келди, хорижий валюта талаб этадиган йирик инвестиция дастурларини молиялаштириш имкониятларини кенгайтди. Хусусан, инвестиция дастурларини молиялаштиришда роли ўсиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси капиталининг 2012 йил бошига келиб 9 миллиард доллардан ошиб кетишида ташқи савдода ижобий сальдога эришилаётгани асосий роль ўйнади.



**2.1.2-расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдоси кўрсаткичлари (миллион АҚШ долл.).**

<sup>3</sup> Ислоҳ Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади /Халқ сўзи, 2012 й., 21 январь.

Ҳукуматимиз томонидан ташқи савдо географиясини диверсификация қилиш, янги бозорларга кириб бориш, бу бозорларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини таъминлаш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2012 йилда Афғонистон Ислом Республикасининг Ҳайратон аҳоли пунктидан Мозори Шариф шаҳригача бўлган темир йўлнинг қурилиши, ушбу мамлакатга электр энергияси экспортининг кўпайтирилиши, Осиё минтақаси давлатларига пахта толасини сотиш ҳажмининг кўпайтирилиши буларга мисол бўлади.

#### 2.1.2-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси экспортининг товар таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоизда)

	1990	1995	2000	2005	2008	2009	2010	2011(январь-декабрь)*
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
Пахта толаси	59,7	48,4	27,5	19,1	9,2	8,6	11,3	9,0
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	1,7	5,4	3,8	4,4	6,0	9,7	13,2
Кимёвий маҳсулот ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	2,3	2,5	2,9	5,3	5,6	5,0	5,1	5,6
Энергия ва нефть маҳсулотлари	17,1	11,7	10,3	11,5	25,2	34,2	24,8	18,5
Қора ва рангли металлар	4,6	4,7	6,6	9,2	7,0	5,0	6,8	7,4
Машина ва ускуналар	1,7	2,0	3,4	8,4	7,5	2,9	5,5	6,7
Хизматлар	1,3	7,7	13,7	12,2	10,4	8,8	9,1	11,8
Бошқалар	9,4	21,3	30,2	30,5	30,7	29,5	27,7	27,8

Манба: \*stat.uz/ dok\_ru\_2012.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш, экспортнинг товар таркибини диверсификация қилиш борасида изчиллик билан амалга оширилган чора-тадбирлар самараси ташқи савдо, хусусан, экспорт ҳажмининг ошиши ва унинг товар таркибида ижобий силжишлар

рўй берганида ўз аксини топди. Экспорт таркибида кўшилган қиймат улуши катта бўлган тайёр маҳсулотлар салмоғи ўсиб бормоқда. 1990 йилда экспортнинг умумий ҳажмида хомашё ҳисобланмайдиган товарлар улуши 30 фоиздан камроқ бўлган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 70 фоиздан зиёдни ташкил этди. 2000-2010 йиллар давомида республикада енгил автомобиллар экспорти 7,6 марта, пахта калаваси экспорти 4,7 марта, трикотаж матолар экспорти 156 марта, минерал ўғитлар экспорти 11,7 марта, нефть маҳсулотлари экспорти 67,5 марта, цемент экспорти эса 6,3 марта кўпайди.

Ялпи экспортнинг товар таркибида пахта толасининг улуши 1990 йилда 59,7 фоизни, 1995 йилда эса 48,7 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 11,3 фоизга, 2011 йилда эса 9 фоизгача пасайди. Машина ва ускуналарнинг ялпи экспортдаги улуши мустақиллик йилларида ўсди ва 2011 йилда 6,7 фоизни ташкил қилди (1990 йилда 1,7 фоиз).


Агар мамлакатимиз экспорти 1990 йилда (собик иттифоқдош республикалар билан ҳисобга олинганда) 442,7 миллион долларга (жумладан, машина ва ускуналар экспорти 7,53 миллиондолл.), 2011 йилда эса 15027,2 миллион долларга (машина ва ускуналар экспорти 1006,8 миллион доллар) тенг бўлганини эътиборга олинса, шу даврда экспорт ҳажми 33,9 мартага ошгани ҳолда, машина ва ускуналарнинг экспорт ҳажми 133 марта кўпайганини кўриш мумкин. Шунингдек, машина ва ускуналар экспорти 2000-2011 йиллар давомида 9 марта, 2005-2011 йиллар давомида эса 2,2 марта кўпайди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабабли ташқи бозорда мамлакатимиз корхоналари экспорт қиладиган асосий маҳсулотларга талаб камайганига қарамасдан 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурига кўра экспорт қилувчи корхоналарни кўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида кейинги йилларда мамлакатимиз экспорт ҳажми барқарор ўсиб бормоқда. 2011 йилда “Экспорт

тарибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийиб 46 фоизни ташкил этган эди”<sup>4</sup>.

Мамлақатамиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш вазифаси 2012 йилда ҳам экспорт ҳажмини ўстириш ва диверсификация қилиш бўйича ишларни давом эттиришни талаб этади. Маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар доирасини кенгайтириш, уларни такомиллаштириш, рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бунга замин яратади.

Республикамиз экспорти ва импортининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш бир қатор вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади (2.1.3-расм).



**2.1.3-расм.**

Хорижий давлатларда мамлақатимизда ишлаб чиқарилаётган, ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш, бундай товарлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлақатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

<sup>4</sup> Ислоҳ Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади./Халқ сўзи, 2012 й., 21 январь.

Жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;

- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истикболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;

- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш;

- янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш ва ҳ.к.

Бу борада ҳар бир тармоқ учун ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган 2010-2012 йилга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича махсус дастурларда экспорт ҳажмини ошириш, экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш, экспортчи корхоналарни маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалалари ўз аксини топади.

## 2.2. Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тавсифи

Мамлакат ёки унинг муайян маъмурий ҳудуднинг ташқи савдосининг ҳолатига баҳо беришда, дастлаб унинг ижтимоий-иқтисодий тавсифини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ташқи савдонинг ҳолати ва истиқболи кўп жиҳатдан маъмурий ҳудуднинг географик жойлашувига, демографик ҳолатига, ижтимоий ва иқтисодий инфраструктураларнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

1938 йил 15 январда ташкил этилган Самарқанд вилоятининг майдони 16,8 минг кв.км, аҳолиси 3327,2 минг киши. Вилоят Республика ҳудудининг 3,7 % ( $16683 \cdot 100 : 448900$ )-ини, аҳолисининг эса 11,4 % ( $3327,2 \cdot 100 : 29123,3$ )-ини ташкил қилади. Вилоят республиканинг марказида жойлашган бўлиб Жиззах, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тожикистон давлати билан чегарадош ҳисобланади.

### 2.2.1-жадвал

#### Самарқанд вилоятининг республика кўрсаткичлари билан таққосланган маълумотлари, 2011 йил

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Республика	Самарқанд вилояти	Фарқи (+;-)	Нисбати, %
1	2	3	4	5	6	7
1.	Ҳудуди	кв.км	448900	16683	-	3,7
2.	Аҳолиси	минг киши	29123.3	3327,2	-	11,4
3.	Аҳолининг зичлиги, 1 кв. км	киши	64,9	199,4	+134,5	307,2

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси ва Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

Вилоят хўжалиги қадимдан яхши тараққий этган. Ҳозирги кунга келиб замонавий саноат тармоқлари ривожланиб бормоқда. Вилоятда қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари етакчи ўринда туради.

## 2.2.2-жадвал

### Самарқанд вилоятининг 2009-2011 йиллардаги макроиқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1	Саноат ишлаб чиқариш	млн.сўм	1141699,8	1604703,8	2004191,3
	Ўсиш суръати	%	112,0	119,8	111,4
2	Истеъмол моллари	млн.сўм	884253,4	1326910,8	1448400,2
	Ўсиш суръати	%	118,1	120,5	109,2
3	Капитал қўйилмалар	млн.сўм	551365,4	878795,2	1113163,5
	Ўсиш суръати	%	120,1	140,7	111,5
4	Пудрат ишлари	млн.сўм	308604,3	499476	733611,6
	Ўсиш суръати	%	117,4	145,1	130,6
5	Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	млн.сўм	1689346,1	2065088	2546468,4
	Ўсиш суръати	%	105	107,6	107,7
6	Чакана савдо	млн.сўм	1170520,2	1682998	2171401,3
	Ўсиш суръати	%	116,8	119,9	116,9
7	Хизматлар жами	млн.сўм	1270605,9	1792096	2284100,1
	Ўсиш суръати	%	121,6	118,5	117,3
8	Пуллик хизмат	млн.сўм	537209,89	689675,56	888763,4
	Ўсиш суръати	%	133,1	113,3	113,0
9	Экспорт	минг.долл	151756,9	109219,5	133185,1
	Ўсиш суръати	%	74,5	67,1	121,9
10	Импорт	минг.долл	295402,1	343235,9	418647,5
	Ўсиш суръати	%	101,1	104,4	122,0

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари

Самарқанд вилоятида аҳолининг зичлиги юқори бўлиб 1 км<sup>2</sup> га 199,4 (3327,2•100:16683) киши тўғри келади., республика бўйича ўртача кўрсаткичдан уч баробар юқори. Аҳолининг миллий таркибида ўзбеклар кўпчилики (86,54%)ни ташкил этади. Бундан ташқари руслар (1,75), тожиклар (7,99%) ва бошқалар ҳам истиқомат қилишади. Вилоятда 2 та (Самарқанд ва Каттақўрғон) шаҳар ва 14 та туман бор.

2011 йилда Самарқанд вилоятида барча соҳалар миқдор кўрсаткичларида ўсиш кузатилган (2.2.2-жадвал). Вилоятда ҳисобот йилида жами 2004191,3 млн сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, бу 2010 йилга нисбатан 11.4 %га кўп демакдир. Республикада бир қатор дастурлар, чунончи қишлоқ туманларда аҳолига турар жой қуришга, хизматлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган дастурларнинг амалга оширилиши натижаси ўлароқ, Самарқанд вилоятида пудрат ишлари ҳажми 2010 йилга нисбатан 30,6 %га, аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ҳажми 13,0 %га чакана савдо ҳажми 16.9 %га оширилди. Ҳозирги жаҳон молиявий иқтисодий инқирози таъсири давом этаётган шароитда жаҳон бозорларида товарларга бўлган талабнинг кескин пасайиб боришига қарамай Самарқанд вилоятида экспорт ҳажми 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 21.9 %га кўпайганлиги ижобий ҳолатдир.

Самарқанд вилояти халқ хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш етакчи ўрин эгаллайди. 2011 йилда давлатга жами 251673 тонна пахта, 282702 тонна дон ва 2749,3 тонна пилла етиштириб берди (2.2.3-жадвал).

### 2.2.3-жадвал

#### Самарқанд вилоятда 2011 йилда давлатга пахта, дон ва пилла етказиб бериш шартномаларининг бажарилиши

№	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари	2011 йил		Режа бажарилиши, %
		Режада	Ҳақиқатда	
1	Пахта хом ашёси, тонна	238000	251673	105,7
2	Дон, тонна	291800	282702	96,9
3	Пилла, тонна	2645	2749,3	103,9

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари

Натижада Пахта хом ашёсини етказиб бериш 5,7 % га ва пилла маҳсулотларини 3,9 % га давлат шартномалари ошириб бажарилди. Факатгина дон маҳсулотларини етказиб бериш 3.1 % га бажарилмай қолди.

## 2.2.4-жадвал

### Самарқанд вилоятида 2010-2011 йиллардаги хўжалик юритувчи субъектлар сони

(бирлик ҳисобида)

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариши %
<b>1</b>	<b>Хўжалик юритувчи субъектлар сони</b>	<b>45629</b>	<b>46170</b>	541	101,2
	<i>Шундан</i>				
	Давлат мулки шаклида	4476	4432	-44	99,0
	Нодавлат мулки шаклида.	41153	41738	585	101,4
<b>2</b>	<b>Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони</b>	<b>40923</b>	<b>41358</b>	435	101,1
	<i>Шундан:</i>				
	Фаолият кўрсатаётгани	37268	39496	2228	106,0
	Фаолият кўрсатмаётгани	3655	1862	-1793	50,9
<b>2.1</b>	<b>Кичик корхоналар сони</b>	<b>2876</b>	<b>2903</b>	27	100,9
	Фаолият кўрсатаётгани	2776	2851	75	102,7
	Фаолият кўрсатмаётгани	100	52	-48	52,0
<b>2.2</b>	<b>Хусусий тадбиркорлик субъектлари сони</b>	<b>38047</b>	<b>38455</b>	408	101,1
	Фаолият кўрсатаётгани	34492	36645	2153	106,2
	Фаолият кўрсатмаётгани	3555	1810	-1745	50,9
<b>3</b>	<b>Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони</b>	<b>180</b>	<b>190</b>	10	105,6
	<b>Шу жумладан</b>				
	Республика тасарруфидаги корхоналар	10	10	-	100,0
	Худудий тасарруфдаги корхоналар	170	180	10	105,9
	Улардан фаолият кўрсатмаётган корхоналар	17	22	5	129,4

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари

Самарқанд вилоятида хўжалик юритувчи субъектлар сонида ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Айниқса вилоятда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сонининг ортиб бориши тақсимга лойиқдир. (2.2.4-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики Самарқанд вилоятида 2011 йилда жами хўжалик юритувчи субъектлар сони 2010 йилга нисбатан 541 (46170-45629) тага кўпайган бўлиб, ўтган йилга солиштирганда 1.2 % га ортган. Худди шундай ўсиш суръати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони ҳам кузатилди. Жумладан 2011 йилда 2010 йилга нисбатан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 435 тага ортган ва энг қувонарлиси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида фаолият кўрсатмаётган субъектлар сони 2010 йилга нисбатан 2011 йилда -1793 тага камайганлигидир. Вилоятимизда сўнгги йилларда чет эл давлатлари билан ҳамкорликдаиташкил этилаётган қўшма корхоналарнинг сони йилдан йилга ўсиб бормоқда. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 10 тага кўпайган. Бу корхоналар сонининг ортиши нафақат вилоятимиз балки республикамиз иқтисодиётининг юксалишига, аҳолининг бандлигини таъминлашга, уларнинг даромадларини оширишга олиб келади.

Янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтиш борасида кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг бандлик даражасини янада ошириш имконини берди (2.2.5-жадвал).

Самарқанд вилоятида 2010-2011 йиллар мобайнида иш билан банд бўлган аҳоли сони 1229,9 минг кишидан 1268,1 минг кишига ортган. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони 3,1 фоизга фоизга ўсди ва деярли 1268,1 минг кишига етди. Бандликнинг энг юқори ўсиш суръатлари

транспорт ва алоқада (110.7фоиз), қурилишда (104,0 фоиз), уй-жой-коммунал хўжалигида ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишда (103,2 фоиз), саноатда (102.8 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда (102,5), қайд этилди.

## 2.2.5-жадвал

### Самарқанд вилоятида 2010-2011 йиллардаги иқтисодиётда банд аҳоли сони кўрсаткичлари

(минг.киши)

№	Соҳа ва тармоқлар	2010 йил	2011 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариши %
	Жами	1229,9	1268,1	38,2	103,1
	шу жумладан				
1	Кишлоқ хўжалигида	415,9	423,8	7,9	101,9
2	Саноатда	119,3	122,6	3,3	102,8
3	Қурилишда	65,7	68,3	2,6	104,0
4	Транспорт ва алоқада	32,6	36,1	3,5	110,7
5	Савдо, умумий овқатланиш моддий таъминот, тайёрлов корхоналарида	106,0	108,6	2,6	102,5
6	Уй-жой коммунал хўжалиги, маиший хизмат	34,7	35,8	1,1	103,2
7	Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	89,5	91,6	2,1	102,3
8	Халқ таълими, маданият ва саънатда	178,3	181,4	3,1	101,7
9	Суғурта, молия, ва нафақа жами	4,6	4,8	0,2	104,3
10	Бошқарув органларида	17,9	18,3	0,4	102,2
11	Бошқа соҳа ва тармоқларда	165,4	176,8	11,4	106,9

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари

Инсонларнинг моддий ва маънавий ҳаёт сифатини ошириш, турмуш тарзини яхшилаш ва такомиллаштиришда хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамиятга эгадир. Хизмат кўрсатиш соҳаси моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежайди, инсоннинг бўш вақтини кўпайтиради, унинг меҳнатининг ижодий мазмунини оширади, иш вақтидан ташқаридаги оқилона бўлмаган харажатларни қисқартиради, инсонлар ҳаётини янада мазмунли қилади ва шу орқали аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари, қатламларининг ҳаётий манфаатларини юзага чиқаради.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси ўсиш суръатлари, янги пайдо бўлган хизматлар турлари сони, бозор ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларига мослашиш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа соҳалари сингари хизматлар соҳасини ҳам устувор даражада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу сабабли мамлакатимизни модернизация қилиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юқори суръатларда ривожлантиришни таъминламоқда.

Хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг тез ривожланувчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви ва бозорнинг товарлар билан тўлдирилиши натижасида хизматларга бўлган талаб ўса бошлайди. Иқтисодий даража қанчалик юқори ва индустриал асос ва меҳнат унумдорлиги юксак бўлса, жамиятнинг хўжалик фаолияти шунчалик мураккаблаша боради. Натижада хўжалик тузилмаси ўзгаради ва хизматларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган меҳнат фаолиятининг аҳамияти ортиб боради.

Республикамиз иқтисодиётида бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам хизматлар соҳасини устувор даражада ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, вилоятимиз иқтисодиёти хизматлар кўрсатиш сифатлари яхшиланиб бу соҳанинг ўсиш тенденциялари кузатилмоқда. (2.2.6-жадвал).

Вилоятда 2010 йилга нисбатан 2011 йилда увйидаги хизмат турларида юқори ўсиш суръатлари алоқа ва ахборотлаштиришда (173,8), савдо ва умумий овқатланишда (126,9), туристик ва экскурсион хизматларда (120,0) кузатилди.

## 2.2.6-жадвал

### Самарқанд вилоятида 2010-2011 йиллардаги хизмат кўрсатиш сифатининг ривожланиш даражаси кўрсаткичлари

<i>Хизмат турларинг ривожланиш даражаси (жами хизматлардаги улуши, %)</i>	<b>2010 йил</b>	<b>2011 йил</b>	<b>Фарқи (+,-)</b>	<b>Ўзгариши %</b>
Савдо ва умумий овқатланиш	21,6	27,4	5,8	126,9
Транспорт хизматлари	21,5	18,3	-3,2	85,1
Алоқа ва ахборотлаштириш	4,2	7,3	3,1	173,8
Молия ва банк хизматлари	7,5	7,2	-0,3	96,0
Туристтик ва экскурсион хизматлар	0,5	0,6	0,1	120,0
Мехмонхона хизматлари	0,5	0,5	-	100,0
Комунал ва маиший хизматлар	18,7	17,0	-1,7	90,9
Автомобил ва техника таъмирлаш хизматлари	2,6	1,9	-0,7	73,1
Бошқа хизматлар	22,9	19,8	-2,3	86,5
<b>Жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>-</b>	<b>-</b>

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари

## 2.3. Самарқанд вилояти ташқи савдоси

### ҳолатининг таҳлили

Республикаимизнинг сиёсий мустақилликни кўлга киритиши иқтисодиётнинг барча соҳаларини мустақил ташкил этиш имконини берди. Бугунги кунда ташқи савдо соҳасида ҳам чуқур иқтисодий ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ташқи савдони ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлса, бугунги кунда уни ривожлантириш учун иқтисодий шарт-шароитлар яратилмоқда. 2008 йилда вужудга келган ва бугунги кунда ҳам давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини юмшатишга қаратилган дастур ишлаб чиқилди ва бугунги кунда ушбу дастур оғишмай амалга оширилмоқда. Ушбу дастур доирасида амалга оширилган бир йўналиш-мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Самарқанд вилоятида ҳам ташқи савдо соҳасида ижобий силжишларга эришилмоқда. Вилоятда ташқи савдо обороти 2011 йилда 1589 минг АҚШ долларини ташкил этди (2.3.1-жадвал).

### 2.3.1-жадвал

#### Самарқанд вилоятининг 2009-2011 йиллардаги ташқи савдо обороти динамикаси

Кўрсаткичлар	Йиллар			Фарқи (+;-)		Ўзгариши (%)	
	2009	2010	2011	2009	2010	2009	2010
Экспорт	151756,9	109219,5	133185,1	-18571,8	23965,6	87,8	121,9
Импорт	295402,1	343235,9	418647,5	123245,4	75411,6	141,7	122,0
<b>Ташқи савдо обороти, минг АҚШ доллари</b>	<b>447159,0</b>	<b>452455,4</b>	<b>551832,6</b>	<b>104673,6</b>	<b>99377,2</b>	<b>123,4</b>	<b>122,0</b>

**Манба:** Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сўнгги уч йил мобайнида вилоят ташқи савдо обороти узлуксиз ўсиш суръатига эга бўлган. Бунда энг юқори ўсиш 2011 йилда кузатилган 551832,6 минг АҚШ доллари. Ташқи савдонинг бундай узлуксиз ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги сабабли, 2011 йилда ташқи савдо обороти 2009 йилга нисбатан 22,0 % га ортган.

Муайян ҳудуд ташқи савдосига баҳо беришда фақат унинг умумий ҳажми (ташқи савдо обороти)ни таҳлил қилиш билан кифояланиб қолиш етарли бўлмайди. Унинг сифат томонини ифодаладиган экспорт ва импорт обороти таркибиларини ҳам ўрганиб чиқиш лозим бўлади.

Ташқи савдони ривожлантиришнинг асосий манбаи бўлиб, энг аввало, мамлакат экспорт потенциалини ошириш ва ундан тўлароқ фойдаланиш ҳисобланади. Бундай ҳаракат жаҳон бозорида қатнашишнинг оддий усулидан бошланиши керак. Яъни, экспортнинг доимий шаклини ривожлантириб, умуман экспорт ҳажмининг кенгайтирилишини талаб қилади. Экспорт хом-ашёдан тайёр маҳсулотларга, тайёр маҳсулотларни ҳам мураккаблаштириб бориб, машина ва жиҳозларни, интеллектуал товарлар ҳиссасини ошириб боришни талаб қилади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда, хусусан Самарқанд вилоятида олиб борилган чуқур иқтисодий ислоҳатлар натижасида вилоят ташқи савдосида нафақат миқдор жиҳатдан, балки сифат жиҳатдан ҳам ижобий натижаларга эришилди. Ташқи савдо обороти структураси бир мунча яхшиланди (2.3.2-жадвал).

Агар, 2009 йилда вилоят ташқи савдо обороти таркибида экспорт обороти 33,9 % ни эгаллаган бўлса, 2011 йилда экспортнинг улуши 9,8 % га камайиб, 24,1 % ни ташкил қилган. Вилоят ташқи савдо оборотида ҳали ҳам импорт етакчилик қилади.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2010 йилгача экспорт фаолиятини ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Унда қўйилган мақсадларга эришиш учун қилиниши керак бўлган ишлар икки босқичга бўлиниб олинган. Биринчи босқичда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланган

ҳолда экспорт ҳажми барқарорлигини сақлаб туриш ва аста-секин экспорт маҳсулотлари номенклатурасини кенгайтириб бориш кўзда тутилган бўлса, иккинчи сифат босқичида Ўзбекистон экспорт маҳсулотлари таркибида илмий сиғимли маҳсулотлар улушини 10-15 % гача ошириш режалаштирилган эди.

### 2.3.2-жадвал

#### Самарқанд вилояти ташқи савдо обороти структураси (минг АҚШ доллари)

Кўрсаткичлар	2009 йил		2011 йил		Фарқи, (+,-)	
	Суммаси	Улуши, %	Суммаси	Улуши, %	Суммадаги	Улушдаги
<b>Ташқи савдо обороти, шундан</b>	<b>447159,0</b>	<b>100,0</b>	<b>551832,6</b>	<b>100,0</b>	<b>104673,6</b>	<b>-</b>
<b>Экспорт обороти</b>	151756,9	33,9	133185,1	24,1	-18571,8	-9,8
<b>Импорт обороти</b>	295402,1	66,1	418647,5	75,9	123245,4	9,8

**Манба:** Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди

Сўнгги йилларда ушбу дастур асосида Самарқанд вилоятида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди (2.3.3-жадвал). Вилоятда асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар экспорт қилинади. Вилоят экспорт оборотида озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг ўрни катта. Жами вилоят экспорт оборотининг 2011 йилда 55,59 %и тўғри келган. 2010 йилда унинг улуши 60,7% ни ташкил қилган. Вилоят экспорти таркибида хизматлар экспорти ҳам ўз ўрнига эга-18,22 %.

### 2.3.3-жадвал

## Экспорт ҳажми ва таркибидаги ўзгаришлар

### динамикаси

Экспорт таркиби	2010 йил		2011 йил		Улушидаги фарқи, (+,-)
	Суммаси, минг долл	Улуши, %	Суммаси, минг долл	Улуши, %	
пахта толаси	1408	1,29	-	-	-1,29
кимё маҳсулотлари	392,3	0,36	2428,1	1,82	1,46
қора металл	240,8	0,22	-	-	-0,22
машина ва мосламалар	7344,7	6,72	8230,4	6,18	-0,55
озик-овқат маҳсулотлари	66296,8	60,70	74042,9	55,59	-5,11
хизматлар	16950,8	15,52	24266,2	18,22	2,70
Бошқалар	16586,1	15,19	24217,5	18,18	2,99
<b>Жами экспорт обороти</b>	109219,5	100,0	133185,1	100,0	-

**Манба:** Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди

Маълумки, мамлакат иқтисодий ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишида экспорт билан бир қаторда импорт операциялари ҳам муҳим роль ўйнайди. Жаҳон бозорида харидор сифатида қатнашиш аҳолининг мамлакат ичкарисида ишлаб чиқариш қимматга тушадиган ёки умуман ишлаб чиқариш мумкин бўлмаган товар ва хизматларга бўлган истеъмолини қондиришга ва халқ хўжалигини Янги техника технология ҳамда арзон хом-ашё билан таъминлашга қаратилган бўлади.

Мустақиллик йилларида ташқи савдони ривожлантиришга қаратилган иқтисодий ислохатлар таъсирида Самарқанд вилоятида нафақат экспорт, балки, импорт операциялари ҳам бирмунча такомиллаштирилди. Бунда дастлаб, импорт операцияларидан ички бозорни истеъмол товарлари билан таъминлаш манбаи сифатида фойдаланилган бўлса, бозор иқтисодиётига ўтишнинг иккинчи босқичидан бошлаб замонавий техника ва

технологияларга катта ўрин бериб келинмоқда. Буни 2.3.4-жадвал маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

### 2.3.4– Жадвал

#### Самарқанд вилояти импорт обороти таркиби

Импорт товарлар таркиби	2010 йил		2011 йил		Фарқи, (+,-)	
	Сумма, минг \$	Улуши, %	Сумма, минг \$	Улуши, %	Сумма-даги	Улуши-даги
Кимёвий маҳсулотлар	71941,7	20,96	88028,5	21,03	16086,8	0,07
Рангли ва қора металллар	10456,1	3,05	9191,5	2,20	-1264,6	-0,85
Машина ва асбоб ускуналар	169812,4	49,47	221104,3	52,81	51291,9	3,34
Озиқ-овқат моллари	49146,3	14,32	49805,5	11,90	659,2	-2,42
Энергия қуввати манбалари	328,0	0,10	482,9	0,12	154,9	0,02
Амалга оширилган хизматлар	4063,3	1,18	2592,6	0,62	-1470,7	-0,56
Бошқалар	37488,1	10,92	47442,2	11,33	9954,1	0,41
<b>Жами импорт</b>	<b>343235,9</b>	<b>100,0</b>	<b>418647,5</b>	<b>100,0</b>	<b>75411,6</b>	<b>-</b>

**Манба:** Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди

Самарқанд вилоят импорт обороти таркибининг динамикаси турли товар гуруҳлари бўйича турлича. Рангли ва қора металллар ҳамда амалга оширилган хизматлар импорти ҳам сумма жиҳатдан, ҳам жами импорт оборотидаги улуши жиҳатдан йилдан-йилга камайиб бормоқда. Агар, 2010 йилда жами импорт обороти таркибида рангли ва қора металлларга тўғри келадиган оборот 3,05 %ни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич деярли 0,85 пунктга қисқариб, 2,20 % ни ташкил этган. Бу кейинги йилларда рангли ва қора металлларни ўзимизда қайта ишлаш имкониятларининг кенгайиб, рангли

ва қора металллар ҳамда хизматлар соҳасининг ривожланаётганлигидан далолат беради.

Яна бир қувонарли ҳол шундаки, жами импорт товарлари таркибида асосий ўринлардан бири машина ва ускуналарга тўғри келади – 52,81 %. Импорт товарлари таркибида ҳам энг катта улушни машина ва ускуналар эгаллаб келмоқда.

Вилоятни ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарлари билан таъминлашда МДХ давлатлари, хусусан Россия федерацияси муҳим ўрин эгаллайди (2.3.5-жадвал).

Жами импорт товарлари ичида Россия, Қозоғистон, Украина ва Белоруссия каби МДХ давлатларига кирувчи давлатлар ҳиссасига тўғри келадиган товарлар 2009 йилда 43,37 % ни, жумладан Россия федерациясига тўғри келадиган товарлар 28,76 % ни эгаллайди. Импорт товарлар таркибида Украина (5,62 %), Қозоғистон (6,4 %) ва Белоруссия (2,59 %)нинг ҳам ўрни сезиларли. Аммо 2010 йилга келиб бу давлатларнинг импорт обороти таркибидаги улуши 2009 йилга солиштирилганда Қозоғистон давлатидан ташқари барча давлатларнинг улуши камайган. Тожикистон, Туркманистон давлатлари худудий жиҳатдан вилоятга яқин бўлсада, уларнинг улуши сезиларсиз.

Вилоятга 2009 йилда товарлар асосан Осиё давлатлари: Япония (15,15 %), Туркия (11,84), Хитой (9,98 %), Эрон (3,16 %) ва Корея (1,13 %) дан келтирилган бўлса, 2010 йилда ҳам айнан шу давлатларнинг улуши юқориликча қолган.

**Самарқанд вилоят импортида асосий ўринни эгалловчи давлатлар  
ва уларнинг улуши**

Мамлакатлар	2009 й.		2010 й.		Фарқи, (+,-)	
	Суммаси, минг долл.	Улуши, %	Суммаси, минг долл.	Улуши, %	Сумма- даги	Улуш- даги
<b>МДХ давлатлари</b>	<b>128120</b>	<b>43,37</b>	<b>118349,1</b>	<b>34,48</b>	<b>-9770,9</b>	<b>-8,89</b>
<i>Шундан асосийлари:</i>						
Россия	84964,4	28,76	74327,1	21,65	-10637,3	-7,11
Қозоғистон	18891,1	6,40	24856,3	7,24	5965,2	0,85
Украина	16601,5	5,62	14135,1	4,12	-2466,4	-1,50
Белоруссия	7663,0	2,59	5030,6	1,47	-2632,4	-1,13
<b>Бошқа хориж давлатлари</b>	<b>150518,9</b>	<b>50,95</b>	<b>180831,2</b>	<b>52,68</b>	<b>30312,3</b>	<b>1,73</b>
<i>Шундан асосийлари</i>						
Япония	44742,9	15,15	41742,9	12,16	-3000,0	-2,99
Туркия	34988,9	11,84	32724,6	9,53	-2264,3	-2,31
Хитой	29473,6	9,98	38101,6	11,10	8628,0	1,12
Германия	21865,8	7,40	45544,0	13,27	23678,2	5,87
Эрон	9349,2	3,16	14149,0	4,12	4799,8	0,96
АҚШ	6772,5	2,29	4116,8	1,20	-2655,7	-1,09
Корея	3326,0	1,13	4452,3	1,30	1126,3	0,17
<b>Қолган давлатлар</b>	<b>16763,2</b>	<b>5,68</b>	<b>44055,6</b>	<b>12,84</b>	<b>27292,4</b>	<b>7,16</b>
<b>Жами импорт обороти</b>	<b>295402,1</b>	<b>100,0</b>	<b>343235,9</b>	<b>100,0</b>	<b>47833,8</b>	<b>-</b>

**Манба:** Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди

Айниқса 2010 йилда Хитой ва Германия давлатларининг импорт обороти таркибидаги улуши 2009 йилга нисбатан қсиш тенденциясига эга бўлган. Импорт обороти таркибида Европа давлатларидан Туркия 11,84 % ва Германия 7,4 % давлатларининг улуши сезиларли.

Жадвал маълумотлари кўрсатишича, Самарқанд вилояти билан Германия ва Хитой давлатлари ўртасида савдо алоқалари ривожланмоқда.

Вилоят экспортида ҳам Россия Федерацияси муҳим ўрин эгаллайди (2.3.6-жадвал).

Жами импорт товарлари ичида Россия, Қозоғистон, Украина ва Азарбайжан каби МДХ давлатларига кирувчи давлатлар хиссасига тўғри келадиган товарлар 2009 йилда 50,61 % ни, жумладан Россия федерациясига тўғри келадиган товарлар 35,07 % ни эгаллайди. Экспорт товарлар таркибида Украина (4,08 %), Қозоғистон (2,33 %) ва Азарбайжан (4,46 %)нинг ҳам ўрни сезиларли. 2010 йилга келиб бу давлатларнинг экспорт обороти таркибидаги улуши 2009 йилга солиштирилганда Украинадан ташқари барча МДХ давлатлари, жумладан Россия федерацияси (6,5 %), Қозоғистон (7,46 %) Азарбайжан (8,92 %) ва Туркманистон (0,72 %) давлатларида ўсиш тенденцияси кузатилган.

Вилоят 2009 йилда товарлар ва хизматларни асосан Осиё давлатлари: Хитой ( 18,5%) ва Эрон (22,12 %) Европа давлатларидан Туркия (2,31), Германия (1,05 %) ва Франция (1,66%) давлатларига экспорт ҳажми юқори бўлган бўлса, 2010 йилда ҳам айнан шу давлатларнинг улуши юқорилигича қолган.

Ҳар қандай давлат, худуд иқтисодий ривожланиши учун ташқи савдо алоқалари асосий ўринни эгаллар экан, барча давлатлар ташқи савдони энг мукамал тарзда ташкил этишлари ва ундан мамлакатни ривожлантириш йўлида самарали фойдаланишлари лозим.



**Самарқанд вилоят экспортида асосий ўринни эгалловчи давлатлар  
ва уларнинг улуши**

Мамлакатлар	2009 й.		2010 й.		Фарқи, (+,-)	
	Суммаси, минг долл.	Улуши, %	Суммаси, минг долл.	Улуши, %	Сумма- даги	Улуш- даги
<b>МДХ давлатлари</b>	<b>76805,50</b>	<b>50,61</b>	<b>77859,50</b>	<b>71,29</b>	<b>1054,0</b>	<b>20,68</b>
<i>Шундан асосийлари:</i>						
Россия	53221,2	35,07	45408,0	41,57	-7813,2	6,50
Қозоғистон	3542,9	2,33	10691,1	9,79	7148,2	7,46
Украина	6190,4	4,08	1268,2	1,16	-4922,2	-2,92
Азарбайжон	6774,6	4,46	14614,9	13,38	7840,3	8,92
Туркменистон	7076,4	4,66	5877,3	5,38	-1199,1	0,72
<b>Бошқа хориж давлатлари</b>	<b>68092,20</b>	<b>44,87</b>	<b>15603,80</b>	<b>14,29</b>	<b>-52488,4</b>	<b>-30,58</b>
<i>Шундан асосийлари</i>						
Франция	2515,3	1,66	2688,6	2,46	173,3	0,80
Туркия	3500,1	2,31	6717,3	6,15	3217,2	3,84
Хитой	28080,0	18,50	1708,8	1,56	-26371,2	-16,94
Германия	1594,5	1,05	1730,3	1,58	135,8	0,53
Эрон	33565,5	22,12	4375,8	4,01	-29189,7	-18,11
АҚШ	1352,1	0,89	1071,6	0,98	-280,5	0,09
<b>Қолган давлатлар</b>	<b>6859,2</b>	<b>4,52</b>	<b>15738,2</b>	<b>14,43</b>	<b>8879,0</b>	<b>9,91</b>
<b>Жами экспорт обороти</b>	<b>151756,9</b>	<b>95,48</b>	<b>109219,5</b>	<b>85,57</b>	<b>-42537,4</b>	<b>-9,91</b>

**Манба:** Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди

## **III-БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ТАШҚИ САВДО ИМКОНияТЛАРИДАН ФойДАЛаниШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ йўЛЛАРИ**

### **3.1. Самарқанд вилоятида ташқи савдони тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш**

Сўнгги йилларда ҳукуратимиз томонидан республикамизнинг барча худудларида, уларнинг ички имкониётларидан келиб чиқиб, ташқи савдони такомиллаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, президентимиз таъкидлаганларидек, «Бизнинг кейинги йилларда экспорт соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларимизнинг натижасидир»<sup>5</sup>.

Эркин савдонинг амал қилиши барча мамлакатларда иқтисодиётнинг юксалишига олиб келиши шубҳасиз. Бунда ҳам экспортчи ҳам импортчи мамлакатлар манфаати юзага чиқади. Бироқ, амалиётда ташқи савдо ҳеч қачон ўз ҳолича - давлат аралашувисиз ривожланмаган. Халқаро савдонинг ривожланиши билан ташқи савдони давлат йўли билан бошқариш механизмлари ҳам такомиллашиб бормоқда.

Ташқи савдо муносабатлари ривожланиб бориши билан аҳолининг ҳар хил ижтимоий гуруҳлари ва турли халқларнинг манфаатлари тўқнаш келади. Бунда давлатнинг ҳам ушбу манфаатларга қўшилиши муқаррар. Ундан ташқари, ҳозирги шароитда миллий иқтисодиёт нисбатан очиқлик хусусиятига эга. Бундай шароитда давлат ўзининг ички иқтисодий сиёсатини ташқи савдо алоқалари билан чамбарчас боғлиқликда олиб бориши лозим. Бугунги кунда давлат ташқи савдони назорат қилмасдан туриб, ички

---

<sup>5</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 8-б.

иқтисодий ўсишга (масалан, бандликка ёки нархларнинг барқарорлигига) эриша олмайди.

Экспорт операциялари ҳам бозор иқтисодиётининг бир унсури ҳисобланади. Шу сабабли, у бозор иқтисодиёти қонунлари асосида амал қилади. Бироқ, экспортни ташкил этиш ва ривожлантиришни тўлиқ бозор иқтисодиётининг қонунларига ташлаб қўйиш ҳам мумкин эмас. Чунки, бозор иқтисодиётининг қонунларига кўра, кучли давлатлар экспортчилари ривожланавериши, иқтисодий жиҳатдан ҳали ўнганмаган давлатларнинг экспортчиларини бозордан ўрин эгаллашига йўл қўймаслиги мумкин. Ундан ташқари, энди очик иқтисодиёт барпо қилаётган давлатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари ташқи бозорга чиқишлари учун етарлича капитал ва тажрибага эга бўлмайдилар. Буларнинг барчаси мамлакат экспортини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб – қувватлашни, унинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини яратиш ва доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб қилади.

Мамлакат ташқи савдосининг мавжуд ҳолати ва уни такомиллаштириш бевосита жаҳон иқтисодиёти, жаҳон бозорида муҳим экспорт товарларига бўлган талаб ва таклиф конъюнктураси, глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиши ва бошқаларнинг ривожланиш тенденциясига боғлиқ.

Ўрта ва узоқ истиқболдаги Самарқанд вилояти ташқи иқтисодиётини ривожлантириш стратегияси самарали очик иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида вилоят иқтисодиётида асосий таркибий-структуравий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобланади. Ушбу структуравий ўзгаришлар бозор механизми “камчилик”ларини бартараф қилишга қаратилган бўлиши лозим. Шунинг учун ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш вазибалари фаол давлат назорати асосида жаҳон хўжалигига структуравий тайёрланиш мақсадидан келиб чиқади. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг асосий мобилизацион йўли вилоят экспорт

потенциалини ошириш дастурлари ва маҳаллий хом-ашё негизида маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобланади.

Маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш унумдорлигининг ортиши аввало меҳнатни рағбатлантиришнинг яхшиланиши, экспорт тармоқларининг технологик жиҳатдан қуролланганлиги ҳамда маҳаллий ресурслардан нисбатан тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳисобига таъминланади.

Ташқи савдо ривожланишининг ҳозирги шароитида Самарқанд вилояти ташқи иқтисодий сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим, деб ўйлаймиз:

- экспортнинг барқарор ўсишини таъминлаш;
- ҳудудий бошқарув органлари, шунингдек товар ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда, асосланган экспорт прогнозларини ишлаб чиқиш;
- миллий кадрларни малакасини ошириш асосида маркетинг ва менежментни такомиллаштириш;
- миллий товарлар, хизматлар ва ишчи кучининг жаҳон бозорига чиқишига яхшироқ шарт-шароитлар яратиш, шунингдек миллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий инновацион ресурслар билан таъминлаш;
- хорижий инвесторларни жалб қилиш;
- транспорт ва ахборот коммуникацияларини қуриш ва таъмирлашга субсидиялар ажратиш;
- қайта ишлаш саноатида муваффақиятли структуравий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида, рақобат воситаларини босқичма-босқич шакллантиришга йўналтирилган, асосли протекционизмни қўллаш;
- ташқи савдо операцияларида давлатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, хўжалик субъектлари ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда хавфсизлигини ҳимоя қилиш.

Ташқи иқтисодий сиёсатнинг муҳим элементи стратегик тармоқларни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобланади. Бу тармоқларга иқтисодий ресурсларни йўналтириш ва давлат томонидан ушбу тармоқларни қўллаб-

қувватлашни кенг кўламда амалга ошириш лозим. Бу маҳаллий ресурслардан нисбатан самаралироқ фойдаланиш учун мавжуд бўлган имкониятларни кенг қўллаш ҳисобига экспорт структурасини такомиллаштиришни ҳамда экспорт базасини кенгайтириш учун тўпланган ишлаб чиқариш ва илмий-техник салоҳиятидан тўлароқ фойдаланишни талаб қилади. Устувор тармоқларнинг ривожланиши бутун иқтисодиётга таъсир қилади ва жаҳоннинг қайта ишлаш товарлари бозорида вилоятнинг барқарор ўрин эгаллашига олиб келади. Шу сабабли, шундай тармоқларга эътибор қаратиш керакки, бу тармоқ вилоятнинг ишлаб чиқариши ва экспортининг тез суръатлар билан ўсишини таъминласин. Шунингдек, маҳсулотлар экспорти ҳажмини кенгайтириш учун шундай рағбатлантириш воситаларини ишлаб чиқиш керакки, экспортчиларга ўз маҳсулотларини ички бозорга етказиб берганидан кўра, ташқи бозорга сотганда кўпроқ фойда олиш имконини яратсин. Фикримизча, экспортга ва импорт ўрнини самарали тўлдиришга кўмаклашиш учун кўйидаги чора тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ташқи савдода қатнашувчи хусусий корхоналарни рағбатлантиришга йўналтирилган ҳуқуқий ва ташкилий базани ривожлантириш, хусусий бизнес субъектларини экспорт потенциалини мустақил назорат қила оладиган ассоциацияларга бирлаштириш орқали улар экспорт фаолиятларини мустақил ташкил этишларига кўмаклашиш;

- инвестициялаш, хўжалик фаолиятини амалга ошириш ва муомалаларнинг барча жihatларини назорат қилишга қаратилган самарали ҳамда мустақил қонунчиликни яратиш;

- худудий структуралар билан хусусий бизнес субъектлари ўртасида мустаҳкам ва доимий ҳамкорлик ўрнатиш. Бу корхоналарга ташқи иқтисодий фаолиятида хусусан экспорт фаолиятидаги муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш имконини беради;

- кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида ишчи кучини жадал қайта тайёрлаш асосида улар меҳнат унумдорлигини ошириш;

- давлатлараро кенгашувлар асосида хорижий мамлакатларда миллий экспортларга қулай иқлим яратиш;

- ташқи иқтисодий фаолиятнинг реклама ахборот таъминотини яхшилаш (экспортчилар таклиф қилаётган маҳсулотлар каталогларини чиқариш, ўрта ва кичик бизнесда халқ истеъмоли товари ишлаб чириш учун керак бўлган ускуналар импорти бўйича сўровномалар тарқатиш);

- маркетинг фаолиятини амалга ошириш мақсадида хорижда экспортчилар уюшмасининг савдо воситачилик уйлари ташкил этиш ва уларни қўллаб қувватлаш;

- интернет тармоғидан кенг фойдаланган ҳолда электрон савдо тизимида вилоят миқёсидаги корхона ва ташкилотларни яратиш, маълумотлар айирбошлашнинг электрон тизимини ривожлантиришга фаол кўмаклашиш;

- маҳсулотларни халқаро стандартларга мувофиқ сертификатлашга кўмаклашиш;

- МДХ ва бошқа кўшни давлатлар бозорини тадқиқ қилиш. Бу экспорт структурасида қайта ишлаш саноати маҳсулотлари улушини оширишнинг дастлабки даврларидаги товарлар таннархи юқорилигини транспорт харажатлари камлиги туфайли унчалик сездирмайдиган ҳамда ушбу бозорда товарлар сифатига нисбатан камроқ талаб кўяди.

Республикамизда экспортчиларни кредитлаш тизими имтиёзли кредитлар бериш, солиқлардан енгиллик бериш ва суғурталаш шаклида уларга молиявий кўмаклашишни назарда тутди. Экспорт потенциалини ривожлантиришни молиялаш учун, энг аввало имтиёзли кредитлашдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш лозим, чунки кўп ҳолларда экспортчиларни банклар орқали имтиёзли молиялаш тўғридан-тўғри бюджетдан молиялашга нисбатан кўпроқ самара беради.

Валютани назорат қилиш соҳасидаги энг муҳим вазифа марказий банк тамонидан рақобатбардош самарали валюта курсини сақлаб туриш

ҳисобланади. Бу қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг хориж бозорларида нарх жихатидан рақобатбардошлигини таъминлайди.

Хориж инвестицияларини вилоятга кўплаб жалб қилишга таъсир қилувчи омиллардан бири хусусийлаштириш жараёнлари ҳисобланади. Хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш ва бу соҳада хорижий инвесторларга устунлик бериш лозим.

Ҳозирги шароитда ташқи иқтисодий фаолиятни яхшилаш учун биринчи навбатда амалга оширилиши керак бўлган вазифалар бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- ташқи иқтисодий фаолиятда маҳаллий ҳокимият органларига мустақиллик бериш;

- жойларда кўргазмалар ташкил этиш, экспортни ривожлантириш муаммолари ва хориж бозори конъюктурасини ўрганиш бўйича турли семинарлар ва конференциялар ўтказиш, маркетинг, товарлар сифатини бошқариш ва хизматлар кўрсатишни ўқитиш;

- жойларда ташқи савдони ва чет эл инвестицияларини жалб қилишни рағбатлантирувчи ягона муассасалар ташкил этиш.

Импортни ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган сиёсатнинг муҳим воситаси маҳаллий хом-ашё асосида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни локализация қилиш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш ҳисобланади. Бу ушбу соҳадаги фаолиятларнинг бир-бирига мувофиқлигини таъминлайди.

Экспорт структурасини такомиллаштириш бўйича чора тадбирлар асосан, экспортчи корхоналарга кенг-қулай шароитлар яратувчи, уларга комплекс хизмат кўрсатувчи (ташкилий-ҳуқуқий, молиявий, маркетинг, транспорт хизматлари кўрсатувчи) ташқи савдо марказларини ташкил этишни назарда тутмоқда.

Юқорида келтирилган чора-тадбирларни Самарқанд вилояти экспорт потенциалини ошириш мақсадида фойдаланиш, бизнингча, яқин келажакда ўз самарасини беради.

### **3.2. Самарқанд вилоятида ташқи савдо операциялари самарадорлигини ошириш йўллари**

Табиийки, иш ҳақи ва аҳоли реал даромадларининг аҳамиятли даражада ўсиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиши билан бир қаторда ташқи савдо ва экспорт соҳасидаги фаолиятнинг самарадорлигига ҳам боғлиқ.

Республикамиз миқёсида ташқи савдо борасида эришилаётган ютуқлар ва амалга оширилаётган улкан ишларга қарамай, Самарқанд вилоятида ташқи савдонинг бугунги ҳолатини ва унинг самарадорлик кўрсаткичларини кониқарли аҳволда, деб бўлмайди.

Бунинг бош сабаби, бизнингча экспортчи корхоналарнинг ўзларининг экспорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланмаётганлиги ҳисобланади.

Бизнингча, вилоят ташқи савдо кўрсаткичларини яхшилаш учун даставвал экспорт қилувчи корхоналарнинг мавжуд салоҳиятлари тўлиқ ўрганилиши, уларда мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш даражаси, тўлиқ фойдаланилмаслик сабаблари чуқур ўрганилиши ва шу асосда тегишли қарор қабул қилиш лозим.

Жаҳон меҳнат тақсимоотида қатнашиш вилоятда катта структуравий ўзгаришларни талаб қилади. Чунки, мавжуд халқ хўжалиги, айниқса ишлаб чиқариш структураси четга хом-ашё чиқариш ва кўпчилик тайёр маҳсулотларни, техникавий ва машинасозлик маҳсулотларини четдан олиб келишга мослашган, шунинг учун ҳам жаҳон бозори талаби даражасида бўлиши учун ишлаб чиқаришнинг таркибини тубдан ўзгартириш, унинг техник ва технологик даражасини кескин кўтаришни талаб қилади. Аммо, бугунги кунда кўпинча корхоналар ва ташкилотлар экспорт операцияларини амалга ошираётганда товарлар ва маҳсулотларни жаҳон бозорларига хом-ашё шаклида етказиб бермоқдалар. Бу эса кўзда тутилган етарлича юқори даромад келтира олмайди, ҳамда иқтисодий самарадорликни тaminламайди. Шу муносабат билан, аввало экспорт сиёсати мумкин қадар жаҳон

бозорларига чуқур қайта ишлаш асосида тўғридан – тўғри истеъмолчига мўлжалланган товар шаклида етказишга қаратилган бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалигида мева, сабзавот каби маҳсулотларни экспорт қилишда имкониятлар кенг. Ҳали ечимини кутаётган бир қатор муаммолар борки, уларни жаҳон бозори талаблари асосида тайёрлашга тўсқинлик қилмоқда. Фикримизча, бу муаммолар мева ва сабзавотларни сақловчи, ўраб жойловчи мосламалар, ҳамда уларни сифатини бузмасдан жаҳон бозорига етказиб берувчи замонавий транспорт воситаларининг етишмаслиги билан боғлиқ. Келгусида вилоятда табиий мева шарбати тайёрловчи корхоналарни кўпайтириш вилоят экспорт ҳажмининг ошишида истиқболли йўналиш бўлиши билан бирга, ички бозордаги талабни ошириш эвазига мевалар нархининг ошишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ аҳолисининг даромадларини оширади.

Экспорт самарадорлиги товарларни четга сотишдан келган валюта тушумининг, уларни ишлаб чиқаришга қилинган ҳалқ хўжалиги харажатларига нисбати сифатида аниқланади. Уни оширишнинг мумкин бўлган йўллари бўлиб, вилоят ичкарасида ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, кам самарали товарлар экспортини тўхтатиш ёки қисқартиш ҳисобига нисбатан самарали товарлар экспортини кенгайтириш ва ниҳоят экспорт нархларини ошириш ҳисобланади.

Экспорт нархларини ошириш имкониятлари чекланган бўлиб, бундан жаҳон бозори конъюктураси даражасида фойдаланиш мумкин. Бироқ, амалиётда рақобатчилик шароитида жаҳон бозорида нархларнинг юқори бўлиши мумкин эмас. Нархларнинг бундай ошишига фақатгина товарларни ишлаб чиқаришга янги технологияларни, фан-техника ютуқларини кенг қўллаш ҳисобига уларнинг сифатини ошириш орқали эришиш мумкин. Технологияларни такомиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришда жуда муҳим ҳисобланади.

Экспорт рентабеллигини оширувчи муҳим омиллардан бири юқори самарадор товарлар улушини ошириш ҳисобига унинг структурасини

такомиллаштириш ҳисобланади. Амалда экспорт таркибини самарасиз товарлардан жуда тез тозалаш мумкин эмас. Чунки, бу биринчидан, валюта тушумининг пасайишига ҳамда халқ хўжалиги масалаларини ҳал қилишда импортдан фойдаланиш имкониятларининг торайишига, иккинчидан, алоҳида товарлар бўйича ишлаб чиқариш қувватларидан етарлича фойдаланмасликка олиб келади.

Ташқи савдо самарадорлигининг кескин ошишига юқори даражали қайта ишланган товарлар, хусусан машина ва ускуналар экспортини кенгайтириш ҳисобига эришиш мумкин.

Фикримизча, ташқи савдо фаолияти самарадорлигини ошириш муаммосини ҳал қилиш учун ҳам анъанавий товарлар ҳам товарлар янги турларини шакллантириш ҳисобига вилоят экспорт потенциалини режали равишда кенгайтириб бориш лозим. Шунингдек, ташқи савдо фаолияти самарадорлигини ошириш узлуксиз равишда ушбу фаолиятни бошқариш ва ташкил этишни такомиллаштириб боришни, импорт қилинган ускуналар асосида ишлайдиган саноат корхоналарини қурувчи ва улар ишини ўз вақтида рағбатлантириб турувчи вазирликлар ролини ва жавобгарлигини оширишни талаб қилади.

Самарқанд вилоятида ташқи савдо операциялари самарадорлигини оширишда қўшма корхоналар тузиш, улар ишини ҳар томонлама рағбатлантириб туриш ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Акционерлик жамиятидан фарқли ўлароқ қўшма корхоналар фаолиятида аниқ хўжалик функциялари унинг қатнашчилари ўртасида тақсимланади. Ҳозирги кунда қўшма корхоналар саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқа соҳаларда ишлаб чиқариш, илмий-техник, илмий-ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа фаолиятлар билан шуғулланмоқда. Қўшма корхоналар ишлаб чиқариш корхоналари ( завод, фабрикалар), савдо фирмалари, савдо уйлари шаклида ташкил этилиши мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа шаклларида фарқли ўлароқ хорижий инвестор ўз маблағларини халқ хўжалигининг у ёки бу тармоғига

сарфлар экан қисқа муддат ичида юқори натижага эришишга ҳаракат қилади. Шунинг учун инвестор янги технологияларни жорий қилишга, бошқарувнинг самарали усуллари қўллашга, ишлаб чиқариш сирларини яратишга, ҳаракат қилади. У ўз маблағларидан самарали фойдаланишдан манфаатдордир. Айнан шу нарса қўшма корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятининг бошқа шаклларига қараганда товар айрибошлаш операцияларида, кредитлар жалб қилишда, патентлар ва лицензиялар беришда, “нау-хау”ларнинг вужудга келишида ва бошқаларда прогрессив шакл эканлигини кўрсатади.

Қўшма корхоналар қисқа вақт ичида қуйидагиларга сабаб бўлади:

- чуқур илмий сиғимли тармоқлар (ЭХМ, роботтехникаси, радиоэлектроника ва б.)нинг ривожланишига иқтисодиётда структуравий ўзгаришларнинг амалга ошишига, халқ хўжалигига энг замонавий техника ва технологияларни жалб қилинишига ;
- экспорт потенциали ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришнинг ривожланишига;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва башқаришда прогрессив шакл ва усулларнинг ўзлаштирилишига;
- вилоят истеъмол бозорининг жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган юқори сифатли товарлар билан тўлдирилишига, талаб ва истеъмолнинг тенглашишига олиб келади.

Ташқи савдо операциялари самарадорлигини оширишда маҳсулот сифатини бошқаришни, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкил этишни, нарх белгилашни, рекламани ва маҳсулот сотишни тўғри йўлга қўйиш, ташқи бозор ва рақобатчилар товарларини чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу масалаларни тўғри ҳал қилиш фаолият натижасига ижобий таъсир қилади ва қўйилган мақсадга эришишни таъминлайди. Шунга кўра, Самарқанд вилояти ташқи савдо операциялари самарадорлигини оширишдаги муҳим йўналишлардан бири - маркетинг фаолиятини тўғри йўлга қўйиш ва ундан кенг фойдаланиш ҳисобланади.

Корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишидан мақсади ўз фаолиятлари ҳажмини ошириш, ассортиментни кенгайтириш, унинг самарадорлигини ошириш, молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш бўлиши мумкин. Маркетинг фаолиятининг мақсади корхона мақсадининг алоҳида йўналиши сифатида сотиш ҳажмини ошириш, истеъмолчилар талабини тўлароқ қондириш, рақобатда ютиб чиқиш ва бошқалардир. Кўриниб турганидек маркетингнинг мақсади корхона мақсади билан уйғунлашиб кетади.

#### **4-БОБ. Ташқи савдо субъектларида меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари**

Бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган. Бу ҳақда президентимиз ҳам ўз маърузалари ва китобларида кўп бор таъкидлаб ўтганлар.

Шунга кўра, корхоналарда ҳам фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигини, улар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Давлат структурасидаги барча бўлимлар бу билан шуғулланиб, бошқариб боришади.

Корхоналарда меҳнат қонунларининг бузилмаслигининг тармоқ назоратини вазир ва бирлашмалар бўйсунуш тартиби билан амалга оширади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сўт, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий химоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган.

Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиланган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Корхона маъмурияти томонидан меҳнат конунчилигига риоя қилиниши юқори идора органлари, махсус давлат инспекцияси (Гос энергоназор), прокуратура шунингдек касаба союз органлари ва уларнинг раҳбарлигидаги жамоатчилик назорат қилади.

Касаба союзларнинг ишлаб чиқаришдаги кумиталари ҳузуридаги меҳнат муҳофазаси буйича комиссия ташкил қилинади. Комиссия меҳнат конунчилигига, хавфсизлик техникасига ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоида ва нормалларга риоя қилишни текширади ва меҳнат муҳофазасига оид булган курикларда иштирок этади.

Бу комиссия ишчиларга инструктаж бериш ва хавфсиз ишлаш усуллари ургатиш сифатини, хатолар ва асбобларнинг тузуклигини, меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағларни сарфланишини, бахтсиз ходисаларни тугри ҳисобга орлинишини назорат қилади, ишлаб чиқариш травматизли ва касбий касалликлар сабабларини урганади ва маъмуриятга таклифлар киритади, ишчиларнинг махсус коржома, махсус оёқ кийими индивидуал ҳимоя воситалари сут, совун, сифатли ичимлик сув билан

вактида таъминланишини назорат қилади. Комиссия истаган вактида иш уринларини текшириши мумкин.

Мехнат муҳофазаси буйича жамоат инспектор хужаликнинг ҳар қайси бўлинмасида бир йил муддатга сайланади. У мехнат қонунчилигига риоя қилинишини, инструктажнинг уз вактида утказилишини назорат қилади, станоклар асбоб-ускуналар, химояловчи қурилмалар бузуклигини аниқлаш, чиқиндиларни уз вактида йиғиштириб олиниши, утиш жойлари ва иш уринларида тартибга риоя қилинишини назорат қилиб туриши зарур, шунингдек ишчилар махсус коржом, химояловчи воситалар, совун билан таъминланишини текшириб туриши зарур.

Қорхоналарда қасаба союз қошида мехнат техникавий инспектори тайинланади. У мехнат қонунчилиги буйича ишларни қасаба союзига қаршли қорхоналарда назорат қилади. Бундан ташқари қурилган қорхона ва хоналар унинг ижозатиси фойдаланишга топширилади. Ҳамда давлат назорати инспекциялари билан алоқада бўлади. "Йул ҳаракати қоидалари" га риоя қилишни Давлат автоинспекцияси назорат қилади.

Электр қурилмалар, электр тармоқлар, буг қозонлари, электр станциялари, қишлоқ хужалиги қорхоналаридаги қутариш-тушириш техникалари ишлаши ва уларга ҳавфсиз хизмат қурсатиш қоидалари риоя қилишни Давлат энергия назорати инспекцияси назорат қилади.

Давлат санитария назорати Республика қоғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ёнувчи модда билан ҳаводаги қислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез қечувчи ва қўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқувчи қимёвий реакцияга ёниши дейилади<sup>6</sup>.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли қўп бўлган ва қатта талофат қелтирадиган бахтсиз ҳодисалардан бири ёнғин ҳисобланади. Шунинг учун қорхоналарда ёнғин ҳавфсизлиги қораларини

---

<sup>6</sup> Қурбонов Ж.М. Битирув малақавий иши «Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги» бўлимини бақариш бўйича

кўриш, ёнғин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарда, ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат конунлари ва кодексида ёзиб қўйилган.

Ҳар қандай корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган хом ашёси, чиқарадиган маҳсулоти ва жойлашган биносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнғин чиқишга, портлашга ва ёнғин чиққан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек ёнғиннинг асоратига асосланган ҳолда ёнғинга ва портлашга хавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир корхонада ёнғин хавфи биринчи навбатда, у ерда ишлатилаётган хом ашёнинг ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ёнғинга хавфлилик даражаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам корхоналарни категорияларга ажратганда ишлатилаётган моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Корхоналарда ёнғинга қарши кураш ишларини шу корхоналарнинг ёнғинга хавфлилик даражасига қараб, корхона маъмурияти белгилайди. Агар корхонада ёнғин хавфи бўлса, унда ёнғинга қарши кураш бўлими ташкил қилинади. Бундай бўлим ўзининг махсус ёнғинга қарши кураш командаларини ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда давлат ёнғинга қарши кураш назоратини Ички ишлар вазирлигининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бош бошқармаси амалга оширади. Унинг асосий вазифаси корхоналарда ёнғин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборатдир.

Қабул қилинган технологик лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига биноан барча ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларнинг портлаш ва ёнғин хавфи бўйича беш тоифага бўлинади (А, Б, В, Г ва Д).

«А» ҳамда «Б» тоифалар портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд корхоналардир.

«В» тоифасига фақат ёнғин хавфи мавжуд корхоналар киради. Улар «А» ва «Б» тоифаларида учрамайдиган ёнувчи суюқлик, чанг ва толалар, каттик ёнувчи модда ҳамда материаллар мавжудлиги билан характерланади.

«Г» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материалларни иссиқ, чўғланган ёки эриган ҳолда ишлайдиган, иш жараёнида нурсимон иссиқлик ажраладиган учкун, аланга чиқиб турадиган, шунингдек, каттик, суюқ ва газсимон ёқилғи ёқиладиган цехлар киради. «Д» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материаллар совуқ ҳолатида ишлатиладиган цехлар киради.

Ёнғин саноат корхоналари, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, етказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахтсиз ҳодисаларга - заҳарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнғинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнғинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Корхонани лойихалашда, куришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинадиган ёнғин хавфсизлиги чора тадбирлари келажакда ёнғиннинг олдини олиш ва ундан огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнғин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнғин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнғин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва

тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом-ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

- 1) хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- 2) ускуна-мосламаларни тусикланган ҳолатда жойлаштириш;
- 3) корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
- 4) ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли коцентрацияси ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;
- 5) ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қўшиш;
- 6) ёнғин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт муҳитини яратиш;
- 7) ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, узлуксизлигини таъминлаш;
- 8) технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигини таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;
- 9) белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал қилиш;
- 10) технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ва ишга туширишдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;
- 11) хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- 12) ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;
- 13) кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Технологик жараён ва унга боғлиқ, ишларнинг ёнғин хавфлилиги аввалдан бахоланиб, сўнгра хавфни бартараф этиш учун муҳим, аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

Қишлоқ хўжалиги бино ва иншоотларида ёнғинни ўчириш учун сув, сув буғи, кўпик, инерт газлар, кукунлар, сиқилган ҳаво ва қаттиқ моддалар кенг қўлланилади. Ўт ўчириш моддалари электр ўтказиш ва электр ўтказмаслик хоссаларига эга бўлади. Шунингдек, зарарли кам захарли ва захарсиз турларига булинади. Шунинг учун ишлаб чиқариш объектлари ва майдонларини ёнғин учуриш моддалари билан таъминлашда ва ёнғинни ўчиришда бирор услубни қабул қилганда уларни ҳисобга олиш керак.

## ХУЛОСА

Самарқанд вилояти ташқи савдо имкониятларига бағишланган битирув малакавий иш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1.Бошқа давлатлар сингари Ўзбекистон Республикаси ҳам ташқи савдо ёрдамида ўзининг давлатлараро ихтисослашувини ривожлантириш, ўзининг ресурслари унумдорлигини ошириш ва шу орқали ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини кўпайтириши мумкин. Умуман жаҳон иқтисодиёти ривожининг ҳозирги босқичида миллий хўжаликларнинг умумжаҳон меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиши уларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишининг муҳим шартига айланиб бормоқда. Шу сабабли Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалигига қўшилиши масаласи долзарб бўлиб қолди. Демак, ташқи иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланган ташқи савдо иқтисодиёт тараққиётининг белгиловчи омилларидан бири ҳисобланади ва у бу борада узлуксиз тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади.

2.Давлатлар ташқи иқтисодий фаолиятининг илк пайдо бўлган ва энг ривожланган шакли ташқи савдо ҳисобланиб, дунё миқёсидаги ташқи иқтисодий муносабатларнинг учдан икки қисми ташқи савдога тўғри келади.

Ташқи савдо мамлакатлар ўртасидаги савдо бўлиб товарларни ва хизматларни четга чиқариш (экспорт қилиш) ва олиб келиш (импорт қилиш)дан иборат бўлади.

3.Ташқи савдо операциялари замирида икки ёқлама манфаат ётади ва бу ўз навбатида ушбу операцияларни кенгайтиб боришини тақозо этади. Ташқи савдонинг ривожланиб бориши кўп жиҳатдан мамлакатнинг танлаган ташқи сиёсатига боғлиқ бўлади.

4.Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмунни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни

пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

5. Умуман олганда, глобаллашув жараёнлари жаҳон хўжалигининг яхлит иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сифат босқичи ҳисобланиб, янги имкониятларни очиб беради.

6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири ҳали ҳам давом этаётган ҳозирги кунда ҳар бир мамлакат ташқи савдосининг жорий ва истиқболдаги стратегиясини ишлаб чиқишда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олиши, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантириши ва уларни изчил амалга ошириши тақозо этилади.

Бу борадаги чора-тадбирлар сифатида республикамиз ҳукумати томонидан Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилган.

7. 1938 йил 15 январда ташкил этилган Самарқанд вилоятининг майдони 16,8 минг кв.км, аҳолиси 3327,2 минг киши. Вилоят Республика ҳудудининг 3,7 % ( $16683 \cdot 100 : 448900$ )-ини, аҳолисининг эса 11,4 % ( $3327,2 \cdot 100 : 29123,3$ )-ини ташкил қилади. Вилоят республиканинг марказида жойлашган бўлиб Жиззах, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тожикистон давлати билан чегарадош ҳисобланади.

8. Сўнгги уч (2009-2012) йил мобайнида вилоят ташқи савдо обороти узлуксиз ўсиш суръатига эга бўлган. Бунда энг юқори ўсиш 2011 йилда кузатилган 551832,6 минг АҚШ доллари. Ташқи савдонинг бундай узлуксиз ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги сабабли, 2011 йилда ташқи савдо обороти 2009 йилга нисбатан 22,0 % га ортган.

9. Агар, 2009 йилда вилоят ташқи савдо обороти таркибида экспорт обороти 33,9 % ни эгаллаган бўлса, 2011 йилда экспортнинг улуши 9,8 % га

камайиб, 24,1 % ни ташкил қилган. Вилоят ташқи савдо оборотида ҳали ҳам импорт етакчилик қилади.

Вилоятга 2009 йилда товарлар асосан Осиё давлатлари: Япония (15,15 %), Туркия (11,84), Хитой (9,98 %), Эрон (3,16 %) ва Корея (1,13 %) дан келтирилган бўлса, 2010 йилда ҳам айнан шу давлатларнинг улуши юқориликча қолган. Вилоят 2009 йилда товарлар ва хизматларни асосан Осиё давлатлари: Хитой ( 18,5%) ва Эрон (22,12 %) Европа давлатларидан Туркия (2,31), Германия (1,05 %) ва Франция (1,66%) давлатларига экспорт ҳажми юқори бўлган бўлса, 2010 йилда ҳам айнан шу давлатларнинг улуши юқориликча қолган.

10.Ташқи савдони ривожлантиришнинг асосий манбаи бўлиб, энг аввало, мамлакат экспорт потенциални ошириш ва ундан тўлароқ фойдаланиш ҳисобланади. Бундай ҳаракат жаҳон бозорида қатнашишнинг оддий усулидан бошланши керак. Яъни, экспортнинг доимий шаклини ривожлантириб, умуман экспорт ҳажмининг кенгайтирилишини талаб қилади. Экспорт хом-ашёдан тайёр маҳсулотларга, тайёр маҳсулотларни ҳам мураккаблаштириб бориб, машина ва жиҳозларни, интеллектуал товарлар ҳиссасини ошириб боришни талаб қилади.

11.Ташқи савдо ривожланишининг ҳозирги шароитида Самарқанд вилояти ташқи иқтисодий сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим, деб ўйлаймиз:

- экспортнинг барқарор ўсишини таъминлаш;
- ҳудудий бошқарув органлари, шунингдек товар ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда, асосланган экспорт прогнозларини ишлаб чиқиш;
- миллий кадрларни малакасини ошириш асосида маркетинг ва менежментни такомиллаштириш;
- миллий товарлар, хизматлар ва ишчи кучининг жаҳон бозорига чиқишига яхшироқ шарт-шароитлар яратиш, шунингдек миллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий инновацион ресурслар билан таъминлаш;
- хорижий инвесторларни жалб қилиш;

- транспорт ва ахборот коммуникацияларини қуриш ва таъмирлашга субсидиялар ажратиш;

- қайта ишлаш саноатида муваффақиятли структуравий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида, рақобат воситаларини босқичма-босқич шакллантиришга йўналтирилган, асосли протекционизмни қўллаш;

- ташқи савдо операцияларида давлатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, хўжалик субъектлари ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда хавфсизлигини ҳимоя қилиш.

12. Фикримизча, вилоятда экспортга ва импорт ўрнини самарали тўлдиришга кўмаклашиш учун қуйидаги чора тadbирларни амалга ошириш лозим:

- ташқи савдода қатнашувчи хусусий корхоналарни рағбатлантиришга йўналтирилган ҳуқуқий ва ташкилий базани ривожлантириш, хусусий бизнес субъектларини экспорт потенциалини мустақил назорат қила оладиган ассоциацияларга бирлаштириш орқали улар экспорт фаолиятларини мустақил ташкил этишларига кўмаклашиш;

- инвестициялаш, хўжалик фаолиятини амалга ошириш ва муомалаларнинг барча жihatларини назорат қилишга қаратилган самарали ҳамда мустақил қонунчиликни яратиш;

- ҳудудий структуралар билан хусусий бизнес субъектлари ўртасида мустаҳкам ва доимий ҳамкорлик ўрнатиш. Бу корхоналарга ташқи иқтисодий фаолиятида хусусан экспорт фаолиятидаги муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш имконини беради;

- кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида ишчи кучини жадал қайта тайёрлаш асосида улар меҳнат унумдорлигини ошириш;

- давлатлараро кенгашувлар асосида хорижий мамлакатларда миллий экспортларга қулай иқлим яратиш;

- ташқи иқтисодий фаолиятнинг реклама ахборот таъминотини яхшилаш (экспортчилар таклиф қилаётган маҳсулотлар каталогларини

чиқариш, ўрта ва кичик бизнесда халқ истеъмоли товари ишлаб чириш учун керак бўлган ускуналар импорти бўйича сўровномалар тарқатиш);

- маркетинг фаолиятини амалга ошириш мақсадида хорижда экспортчилар уюшмасининг савдо воситачилик уйлари ташкил этиш ва уларни қўллаб қувватлаш;

- интернет тармоғидан кенг фойдаланган ҳолда электрон савдо тизимида вилоят миқёсидаги корхона ва ташкилотларни яратиш, маълумотлар айирбошланишнинг электрон тизимини ривожлантиришга фаол кўмаклашиш;

- маҳсулотларни халқаро стандартларга мувофиқ сертификатлашга кўмаклашиш;

- МДХ ва бошқа кўшни давлатлар бозорини тадқиқ қилиш. Бу экспорт структурасида қайта ишлаш саноати маҳсулотлари улушини оширишнинг дастлабки даврларидаги товарлар таннархи юқорилигини транспорт харажатлари камлиги туфайли унчалик сездирмайдиган ҳамда ушбу бозорда товарлар сифатига нисбатан камроқ талаб кўяди.

Бизнингча, вилоят ташқи савдо кўрсаткичларини яхшилаш учун даставвал экспортёр корхоналарнинг мавжуд салоҳиятлари тўлиқ ўрганилиши, уларда мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш даражаси, тўлиқ фойдаланилмаслик сабаблари чуқур ўрганилиши ва шу асосда тегишли қарор қабул қилиш лозим.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисидаги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 май қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил, 5-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси корхоналар тўғрисида қонун. 1991 йил 15 феврал Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлари. Тошкент. “Ўзбекистон”, - 1992.
3. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида 1991 йил 14 июн қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991 йил, 8-сон.
4. Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил, 2 июл қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил, 10-сон.
5. 2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13 феврал 2003 йилги қарори.
6. Хусусий корхоналар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2003 йил.
7. Махсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил, 7 май қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил, 6-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси кичик корхоналар тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 26 феврал 85 сонли қарор.

9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари вачоралари. Т., Узбекистон. 2009. – 56 б.
10. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устивор мақсадимиздир. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2010 йил 28 январ.
11. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тарақиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир. Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2010 йил 30 январ.
12. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 .
13. Ишмуҳамедов А.Э., Каланова Л.З., Раҳминова Т.Ю., Раҳимова М.Р. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши - Тошкент: «Ўқитувчи», 1996.
14. Градов А.П. Национальная экономика. Курс лекций.-СПб.: Специальная литература, 1997.
15. Хасбўлатов Р.И. Жаҳон иқтисодиёти, М.ИНСАН, 1994.
16. Бедринцев А., Акилов А. Ўзбекистон; ташқи фаолият ва жаҳон хўжалигига бирлаштириш, Тошкент, «Ўзбекистон», 1996.
17. Основы торговли: Пер. с англ. – Тольятти: Довгань, 1995. – 720 с.